

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯНГИ ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**ТУЗУВЧИ: У.ЎЛЖАБОЕВ**

**ГУЛИСТОН 2011**

## **Мавзу: Янги давр узбек адабиётининг кейинги боскичи (50-80 йиллар).**

### **Мавзу режаси:**

1. Даврга умумий тавсиф. Бадий публицистика
2. Наср (проза)
3. Назм (поэзия)
4. Драматургия

**Мавзу буйича таянч тушунчалар:** Хаёт ва адабиёт, хаётни янгича идрок килиш, шахсга сизиниш иллати, адабиёт ва инсон шахсига кизикиш, услубий – шаклий изланишлар, маъмурий – буйрукбозлик усули, кузбуямачилик иллати, миллий тилларнинг такдири, мавзудаги чеклашлар, катогон курбонлари кисмати, бадийлик мезони, ошкоралик ва кайта куриш гоёлари, тургунлик мафкуриси, адабиётда реалистик йуналишнинг давом этиш, адабиётнинг халк ташвиши билан яшашиши, адабиётда инсонпарварлик масаласи ва х.к.

### **1 - асосий масала**

- 1.1. Даврга умумий тавсиф. Бадий публицистика.

#### **Укитувчининг максоди:**

Даврнинг мураккаб тараккиёт йули ҳамда бадий публицистика хакида талабаларда тасаввур хосил килиш.

#### **Идентив укув максадлари:**

- 1.1.1. Даврга кискача тавсиф берди.
- 1.1.2. Мавзу баёнида куплаб сиёсий ва адабий тушунчаларни изохлаб кетади.
- 1.1.3. Давр ва адабиётга тааллуқли булган тушунчаларни фарклашга интилади.

### **1 – асосий масаланинг баёни:**

#### **Даврга кискача тавсиф.**

50 – йилларнинг 2 – ярми ва 60 – йилларнинг бошларидаги адабий жараёнга хос хусусиятлар:

- 1). адабиётнинг хаёт билан алоқаси мустахкамланди, унинг мавзу – муаммолар доираси кенгайди;
- 2). хаётни янгича идрок килиш, баҳолашга интилиш кузга ташлана бошлади;
- 3). иккинчи жахон уруши хақидаги хақиқат, шахсга сизиниш билан боглик кулфатлар додилрок ифодаланди;
- 4). замонавий мавзудаги асарларда реал хаёт муаммолари жиддийрок тарзда куйила бошлади;
- 5). адабиётда инсон шахсига кизикиш, унинг дарду ташвишларини кенгрок ифодалашга интилиш кучайди;
- 6). адабиётнинг бадий ифодалаш олами ранг – баранглашди, услубий- шаклий ифодалашдаги изланишлар жонлана бошлади.

Бундай узгаришлар 60 – йилларнинг урталарида, айниқса, 70 – йилларга келиб жиддий тусикларга дуч келди. Булар куйидаги холатларда кузга ташланди

- 1) шахсга сизиниш йилларида таркиб топган маъмурий- буйрукбозлик усули бу йилларда яна тиклана бошлади, у турли сохаларга таъсир курсатди;

- 2) ижтимоий ва маънавий – ахлокий соҳадаги ғайриодатий ҳолатлар ноҳуш натижалар бера бошлади;
- 3) ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, кузбуямачилик, ичкиликбозлик, бефарқлик иллатлари кенг ёйилди.
- 4) юксак эътикод билан реал ҳаёт уртасида тафоввут кескин узгарди;
- 5) миллий тилларнинг мавқеи ва истикболига эътибор сусайди;
- 6) адабиёт ва санъат ишларига маъмурий -буйуриқбозлик йули билан арлашиш купгина кунгилсиз оқибатларга олиб келди;
- 7) адабиётда танқиддан ҳоли гуруҳлар пайдо булди;
- 8) ҳаётдаги жиддий масалаларни кутариб чиқиш мумкин булмайдиколди, иллатлар ҳақида ёзиш (масалан, фахшабозлик, гиёҳвандлик) чеклаб қуйилди;
- 9) шахсга сизгиниш йилларида қурбон булган адиблар шаънини тиклаш, уларнинг асарларини халққа қайтариш ишлари тухтаб қолди;
- 10) адабий жараёнда уртамиёна асарларга кенг йул очилиб, бадиийлик мезонининг кадри тушиб кетди.

Мана шу даврда адабиёт ва санъат масалаларига бағишлаб бир канча қарорлар қабул қилинди. Булар қуйидагилар:

- «Адабий- бадиий танқид ҳақида»(1972);
- «Ижодқор ёшлар билан ишлаш тугрисида» (1976);
- «Идеология, сиёсий – тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тугрисида » (1979);
- «Адабий – бадиий журналистларнинг коммунистик қурилиш таҷрибалари билан ижодий алоқалари ҳақида» (1982);

Ошқоралик, қайта қуриш шароитида турғунлик йилларидаги адабиёт юзасидан қизгин баҳслар булди, уша даврдаги ноҳуш ҳодисалар танқид остига олинди. Бу ижобий томони билан ырга қуйидаги қамчиликларни ҳам келтириб чиқарди:

- 1) 60-70-йиллар адабиётини баҳолашда бир ёқламаликка ҳам йул қуйилди;
- 2) уртамиёна ёки бадиий ночор асарларни танқид қилиш шиори остида эришилган ютуқларни ёппасига инқор этиш ҳоллари содир булди;
- 3) оқибатда уша пайтлари турғунлик мафқураси ва психологияси келтириб чиқарган мудҳиш ҳодисаларни, ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатларни одамларга ҳалол ва мардона туриб қурсатувчи асарлар ҳолис баҳоланмади.

Аслда эса уша пайтларда ҳам соғлом ақл – идрок мавжуд булиб, ҳаётдаги қабохатларга қарши тура олган, оддий кишиларнинг виждони ифодаси булган ҳақиқий санъат асарлари яратилиб турди. Бу қуйдаги ҳолатларда қузга ташланади:

1) 60-йилларнинг 2 – ярмидан бошлаб то 80 – йилларнинг бошларига қадар булган адабиётда энг яхши реалистик йуналишлар давом этди;

2) соғлом йуналишдаги адабиёт халқнинг қундалик ташвиши билан нафас олди; ҳаётда содир булаётган, одамларни ҳаяжонга солаётган жиддий муаммоларга жавоб излаш, жамиятнинг ички қиддиятларини бадиий тадқиқ этиш характерли хусусият қасб этди.

3) бар вақтлар адабиёт қақат антогонистик қиддиятларни ақс этирган булса, бу даврга қелиб ҳаётдаги ҳалма- ҳил муаммоларни , ноантагоник қурилишдаги ички қиддиятларни бадиий тадқиқ этишга интди.

4) адабиётда инсонпарварликнинг бадиий талқини қуқурллашди, инсон шахсига ҳар тарафлама ёндашиш, унинг рухий оламини тула ёритиш, қучли ва ожиз томонларини очиб қурсатиш бу давр адабиётининг характерли хусусиятларидандир;

5) бу дарда шаклий – услубий изланишлар якқол қузга ташланиб туради, бинобарин, бу борада олдин қузга ташланган ишлар давом эттирилди.

Шундай килиб, узбек адабиётининг 50-80 йиллар тараккиёт жараёнини яхлит бир боскич сифатида олиб караш мақсадга мувофиқдир. Бу йиллардаги адабий жараён анча мураккаб ва зиддиятли кечгани ҳозир бизга маълум. Адабиёт ва санъат ишларига маъмурий йул билан муносабатда булиш бу соҳаларнинг ижодий имкониятларини чеклаб қуйди. 80 –йилларнинг урталарида юзага келган шароит – ҳақиқатни руй – рост айтиш мумкин булган имконият баъдий ижод уфқларининг янада кенгайишига таъсир этди. Ёзувчиларимиз инсон рухий оламини баъдий кашф этиш йулидан бориб, ҳаётни мураккаблиги ва теранлиги билан акс эттирувчи қатор асарлар яратдилар. Табиийки, бундай шароит уз самараларини берди, инсон руҳиятидаги нозик тебранишларни поэтик образлар воситасида очиш йулида муайян ютуқлар қўлга киритилди, адабиётда сифат узғаришлар тобора равшанроқ қўзғатилди.

### **Баъдий публицистика**

Ёзувчиларимиз ҳаётда содир бўлаётган узғаришларни, турмуш тақозо этаётган муаммоларни ҳозиржавоб публицистика тили воситасида ифодалашга ҳаракат қилдилар. А.Қаҳҳор, И.Қаҳим, Н.Қафаровларнинг қаламига мансуб асарлар бу борада ажралиб туради. А.Қаҳҳорнинг «Қуснбузар», «Қуйлар муборақ» қаби асарлари, айниқса, эътиборга сазовордир.

Аммо турғунлик йилларига қелиб баъдий публицистикага ҳос бу жанговар руҳ аста – секин сусая бошлади. Адиблар қупроқ ютуқлар, донгдор қишилар ҳақида ёзадиган булишди. Турли мансаб эгалари нишондор қишилар ақсарият мақола ва очерқларнинг бош қаҳрамонлари булиб қилишди. Ё.Шамшаровнинг «Қурумсаройликлар», «Ер нақаси» қаби турқум асарларида бу, айниқса, қўзғатилди.

Уша турғунлик йилларида ҳам виждонли адибларимиз ҳақиқатини айтишга интилдилар: Н.Қафаров, Ш.Убайдуллаев – «Реал ташаббуслар, ҳаётий қаҳрамонлар» (машинади пахта теришда сохта реқодлар); У.Қошимов – «Қалбнинг оппоқ дафтарлари», «Муқаддас қасамни бузганлар» (маънавий-ахлоқий мавзуларда).

Шу даврда уткир грақданлик руҳи билан сугорилган яна бошқа қатор асарлар ҳам яратилди. Булар қуйидагилар О.Ёқубов – «Қишлоқдаги қожа», П.Қодиров – «Қаҳикат сабоқлари», Э.Воҳидов – «Қинг асрлар ичра пинҳон», У.Қошимов – «Авлодларга нима деймиз?», Т.Қулатовнинг – «Она қаминни эъзозлайлик»; Муҳаммад Али (М.Муҳаммаджонов билан ҳамқорликда) – «Мувоzanат»; Д.Қурий – «Шаҳар уртасида бир тул оқ урик», «Бустонликни қутқаринг», Ш.Қолмирзаев – «Тоғларга қор тушди».

Бу асарларда ҳалқнинг дарди, унинг тилининг учида турган ҳаёт муаммолари қаламга олинди. Турғунлик даврида шалқилланган қатор иллатлар қош этилди.

80-йилларда баъдий публицистика намуналарини уз ичига олган қатор қитоблар нашр этилди: «Олтин қуқки» (1981), «Янги уфқлар» (1983), «Дашт барақаси» (1983), «Бунёдқор қалб» (1984) қабилар.

Бу давр очерқларида қатор қиддий қусурлар бор эди. жумладан, баландпарвоз ифодалар уларда яққол қўзғатилди. Бунга юқоридаги қитобларнинг номлари ҳам мисол була олади. Шунингдек, бу даврда яратилган публицистик асарлар ақсарият қолларда раҳбарлар ҳақидадир.

Бу давр публицистикасида муайян йуналиш – мавзулар буйича ижод қилиш ҳусусияти қўзғатилди. Бунда публицист – ёзувчи бутун ижодий имкониятларини бир соҳага йуналтиради, ҳар асарида мавзунинг янги қирраларини очишга интилади. М, Н.Қафаров Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида, Х.Назир газқилар ҳақида, С. Анорбоев – («Яйлов қурунқлари» очерқлари турқуми) қорвадорлар ҳақида, Р.Бекниёз табиатни муҳофаза қилиш буйича ва ҳ.қ. Э.Усмоновнинг «Ер –қоинот қули» (1980) қитоби ҳам табиат ҳақида. «Табиатдан узоклик, унинг қузалликлардан маҳрум булиш маънавий мажруҳликка олиб қелади. Табиат қузаллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дусллик, қуйқуларини тарбиялашда таянч нуқтадир» (О.Тоғаев). ... Қузалликни ҳис этмаган одам

тошбагир, маънавий кашшок булади. Хоик ҳам, зорлим ҳам, дуст – биродарларга оқибатсиз ҳам факат шундай одамлардан чиқади» (Э.Усмонов)

Ушбу даврда тарихий – этнографик йуналишда катор публицистик асарлар яратилди. Менгзиё Сафаровнинг «Она – Ер кушиги» (1969) очерк – росоласида бир ярим минг йиллик тарихга эга Холчаён ёдгорлиги тугрисида хикоя қилинади. Шунингдек, Х.Содиқовнинг «Ёдгорликлар хикояси», Н.Норматов, Ш.Отабоевнинг «Хунарманд куллар кадри» каби асарлари ҳам бу йуналишда муҳим аҳамиятга эга.

Публицистикада бу даврда ахлокий – педагогик йуналиш ҳам муҳим урин тутди. М.Исмоилийнинг «Одамийлик кассаси», «Инсон хусни», «Кизлар дафтари» каби китоблари бунга мисол, У.Хошимов узининг «Оқ камалак» (1984) китобида ёшлар ва зиёлилар кифасида интеллектуаллик ва меш чанлик хусусияти хусусида суз юритади. Х.Кодирийнинг «Турмуш сабоқлари» (1985) китоби ҳам шу йуналишдадир.

Чет эл мавзуида ҳам бу даврда публицистик асарлар яратилди. Масалан, В.Зоҳидовнинг «Бемор Америка жароҳатлари» (1981), А. Мелибоевнинг «Умидли дунё» (1982), «Бир заминда яшаймиз» (1984) каби асарлари бунга мисолдир.

Бу давр бадиий публицистикасида А.Журабоевнинг ҳам урни бор. Унинг М.Шолохов, Е.Евтушенко, С. Бондарчук, Г.Г.Маркес каби ёзувчи ва санъаткорлар билан қилган суҳбатлари бунга исбот була олади.

Бу давр бадиий публицистикасида утган уруш билан боглик катор асарлар яратилганлигини ҳам таъкидлаш ҳам лозим. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил юксакликда яратилган эмас. Уларнинг орасида мавзунинг муҳимлигидан фойдаланиб, шунчаки ёзиб ташланган асарлар ҳам анчагина. Лекин мавзуга масъулият билан ёндошиб, уруш давридаги инсоннинг ҳаёти ва ҳолатини анча чуқур очиб берган асарлар ҳам бор. Шу мавзуда уч китобдан иборат «Жасорат» номли жилддан нашр этилди ва унда 60 га яқин Совет Итифоқи Каҳрамони унвонига сазовар булган узбекистонликлар ҳақида хикоя қилинди. Ж.Шароповнинг «Жангда жасур, меҳнатда фидойи» (1985) китоби, шунингдек «Садокат» (1985) тупламлари ҳам шу йуналишда ёзилгандир.

Хулоса қилганда, 50-80 йилларда бадиий публицистика адабий жараёнда уз урнига эга булди. Ҳаётдаги мураккабликлар унинг ривожига ҳам уз муҳрини қолдирди. Шунинг учун бу даврда яратилган публицистик асарларининг баиийлик даражаси бир хил эмас. Уларнинг орасида уткинчи сиёсат талаби билан юзага келганлари ҳам, одамларнинг уй ва ташвишларига акс – садо сифатида яратилганлари ҳам етарли даражада учрайди.

### **Назорат топшариқлари:**

- 1.1.1. 50-80 йиллар адабиёти олдинги давр адабиётидан нима хусусиятлари билан фарқланиб туради?
- 1.1.2. Бу давр адабиётига хос ижобий узгаришлар охирига қадар давом этдими?
- 1.1.3. Ошқоралик ва қайта қуриш йилларида адабиётдаги аҳвол қай даражада эди?
- 1.1.4. Уша мураккаб йилларда адабиётдаги соғлом йуналишнинг ривожига қай тарзда кечди?
- 1.1.5. Шу давр адабиётини умумлаштирган ҳолда қандай мулоҳазалар билдириш мумкин?
- 1.2.1. Бу даврда қайси ёзувчилар узларининг публицистик асарлари билан қупрок ажралиб туради?
- 1.2.2. Мансабдор кишилар ҳақида публицистик асарлар яратиш қайси ёзувчининг ижодида қупрок қузга ташланади?
- 1.2.3. Соғлом бадиий публицистика қандай асарлар ва қайси ёзувчилар ижоди мисолида қузга ташланиб туради?
- 1.2.4. Бу даврда бадиий публицистика намуналарини уз ичига олган қандай китоблар нашр этилди?

- 1.2.5. Бадиий публицистикада ижодкорларнинг маълум бир мавзу йуналишлари буйича асарлар яратиши қандай натижалар берди?
- 1.3.1. Адабиёт санъат ишларига маъмурий-буйруқбозлик йули билан аралашини қайси босқичда энг қўқ содиқ бўлди?
- А. ХХ – сьезддан кейинги дастлабқи ун йиллиқда.  
Б. Турғунлиқ йилларида .  
С. Ошқоралиқ ва қайта қўриш йилларида.
- 1.3.2. Уқитувчининг обрўи масаласи қайси ёзувчининг асарида қескин қўйилди?
- А. Ш. Убайдуллаев.  
Б .Н.Сафаров.  
С. У.Хошимов.

## **2 – асосий масала.**

- 1.1. Наср (проза)

### **Уқитувчининг максоди:**

Шу давр узбек адабиётида алоҳида бир йуналиш – насрнинг тараккиётидаги узига ҳослилар ҳақида талабаларга тасаввур бериш.

### **Идентив уқув максадлари:**

- 1.1.1. Насрнинг умумий тараккиёт манзаралари ҳақида тасаввур ҳосил қилади.  
1.1.2. Жанрлар (хикоячилик, қиссачилик, романчилик) ҳақида тушшунчаларни шакллантириш.  
1.1.3. Муваффақиятли қикқан асарлар тахлили орқали адабиётнинг ривожига узига ҳослиқ ҳақида билим олади.

## **2– асосий масала баёни:**

### **Хикоячилик**

Бу даврдаги хикоячилик ҳам узининг янги қатор ҳусусиятлар билан ажралиб туради. Олдинги йилларда утқир ҳаётйи воқеалар асосига қўриладиган Бу жанрга маъум «қонфликтсизлиқ назарияси»нинг таъсири бўлган эди. бу дарвга қелиб янги бадиий тафаккурнинг маҳсули сифатида бирин – қетин қатор яхши асарлар пайдо бўлди. А.Қаххорнинг «Минг бир жон», «Туйда аза», «Дахшат», «Махалла» қабй хикоялари шу жумлага қетади. Саид Аҳмаднинг «Турналар», «Онажонлар», «Хази́на» қитобларига қирған хикоялари ҳам шундай асарлардан.

Бу давр хикоячилигида салмоқли гаплар айтиш, ҳаётнинг жиддий муаммоларига эътиборини жалб этишга интилиш қўчайди. С. Зуннуованинги «Ёлғизлиқ», П.Қоди́ровнинг «Жон ширин», Ш.Холми́рзаевнинг «От эгаси», У.Хошимовнинг «Урушнинг сунги қурбони », У.Умарбековнинг «Номус», У.Назаровнинг «Ов» қабй хикояларида шундай ҳусусиятлар учрайди.

Бу даврда яратилған бир қатор хикояларда инсон характери́ни қўтилмаған томонлардан туриб қўрсатишга интилиш қўзна ташланади. Бу жихатдан Ш.Холми́рзаевнинг «Хумор», «Устоз» қабй хикоялари характери́дир.

Бу даврда яратилған хикояларда турлича шаклий - услубий изланишлар қўзга ташланади. Ёзувчиларнинг уз қахрамонларига муносабати, бошқачароқ айтганда, ёзувчининг позицияси янада тиниқроқ намое́н бўлиб турадиган асарлар анчагина яратилди. Шу нуқтаи назардан Саид Аҳмаднинг хикояларида хикоячи қахрамон образининг пайдо бўлиши ҳам эътиборни узига тортади. Шунингдек, бу даврда Саид Аҳмад хикояларида хикоячи қахрамон образининг қатор турқум хикоялар яратди. Бу

хикояларида айрим кахрамонлар асардан – асарга утиб юрувчи кахрамонлар ҳисобланади. Масалан, чул туркумига кирган хикояларида шундай тумушида килинганлигини кузатиш мумкин. Унинг кишиларимизнинг бардоши, матонати ва олижаноблигини мадҳ этувчи «Турналар», «Онажонлар», «Хазина» каби хикояларида ҳам қатор бадиий янгиликлар кузга ташланади.

Уткир маънавий – ахлокий масаларни урта қуйиш, уларни жиддий ижтимоий масалалар, муаммолар даражасига қутариш, масала моҳиятини изчил, осойишта таҳлил этиш, ҳаётни ва инсон шахсини бутун мураккабликлари ҳамда зиддиятлари билан қурсатиш бу даврда яратилган энг яхши хикояларга ҳос хусусиятлардандир. Ш.Холмирзаевнинг «Ой ёруғида», У.Хошимовнинг «Дехконнинг бир қуни», У.Умарбековнинг «Юлдузлар», У.Назаровнинг «Қаҳратон» каби хикоялари шундай асарлардан ҳисобланади.

Олдинги ун йилликларда бундай ҳолат текис давом этмаган бўлса –да, 80-йилларга келиб, мавзусининг муҳимлигидан, ташқари қаҳҳорона характерлар, жонли образлар яратилган қатор хикоялар яратилди. Бу жихатдан, айниқса, Ш.Холмирзаев ижоди характерлидир. Унинг «Бодом қишда гуллади», «Битикли тош» каби хикоялари бу жихатдан эътиборни узиға тортади.

Ўзбек хикоячилигидаги услубий изланишлар турли йуналишларда олиб борилди. Масалан, ҳаётни оддий қуш билан қушатганимизда кескин конфликтлар сезилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ёзувчилар инсон ҳайтининг олдинлар эътибор берилмаган қирраларига диққатни қаратишға, тасвирни шу йуналишларда қуқураштирашға интиладилар. Бу жихатдан С.Зуннуованинғ «Ақа», О.Ёқубовнинг «Видо», «Аямақуш», О.Мухторнинг «Шаҳарлик қелин» каби хикоялари эътиборни тортади.

Бу давр хикоячилигида характер яратишда мақсимад даражада аниқликка, ихчам шаклда ҳаёт ҳақида қенгрок тасаввур беришға интилиш каби хусусиятлар ажралиб туради. Ш.Холмирзаевнинг «Вагонда» хикояси бунға яхши мисол була олади.

Ҳозирги давр хикоячилигида характер талқинини ҳаётнинг бурилиш нуқталарида қурсатишға мойиллик қуцайғанлиги сезилади. Қаҳрамонларнинг руҳий дунёси бу асарларда табиий ҳолат ва шароитларда очиб берилган. Бу уз навбатида адабиётни жонли, тулақонлик характерлар билан бойишға олиб қелган. Мисоллар: Ш.Холмирзаев – «Ҳаёт адабий», «Баҳор утди», «Кечаги қун кеча».

Бу даврда яратилган айрим хикояларда маънос – сентиментал талқинға мойиллик аломатлари ҳам учрайди. Бу жихатдан У.Хошимовнинг «Ўзбеклар» хикояси характерлидир. Бу хикояни уқийтган уқувчи огир бир руҳий ҳолатға тушиши муқаррар. Чунки асардаги тасвир оханги шунға олиб қелади. Хикоя деталларға асосланғанлиги билан ажралиб туради. Бу ердаги қаҳрамонларни ижобий ва салбийларға ажратиш ҳам мумкин эмас. Персонажлар бири иқкинчисига қарши қурашмайди ҳам. Отинойи – онанинғ тирикчилигидаги ҳаёти ва уни сунгги йулға қузатиш маросими угил – Искандар ниғоҳи ҳамда қечинмалари орқали қурсатилади Аҳмаднинг «Сувлар оқиб қетди» хикояси ҳам шундай йуналишдаги асарлардандир.

Бу давр хикоячилигиға ҳос хусусиятлардан яна бири унинг географик қатарасининг қенгайғанлигидир. Ш.Холмирзаев ва Т.Муроддаги Сурхон воҳасига ҳос ранг ва оханглар, Н.Қобулдаги Айқор тоғларидаги қорлар ҳиди, М.Мухаммад Дустандаги галатепалиқларнинг узиға ҳос руҳи ўзбек насрининг бу қичик лирик шаклини янада бойитишға ранг – баранглаштиришға ҳизмат қилади.

### **Қиссачилиқ.**

Бу даврда повесть жанри ҳам узиға ҳос ривожланиш йулидан борди. Ҳар йили унлаб бу шаклда намуналар яратилди. Бу йуналишда ижод қилган ёзувчилар руҳатининг бошида Ойбек, А.Қаҳҳорларнинг номлари туради. Кейинги авлод намояндаларидан Мурод Мухаммад Дустан, Э.Аъзамов, Тоғай Мурод бу жанрда яхши изланишлар олиб

боришди. Мана шу ун йилликларда яратилган киссаларнинг мавзу доираси кенгайди, шаклий – услубий жихатлардан анча ранг – баранглашди, бойиди.

А.Каххор 50-йилларнинг урталарида яратилган бир катор хикоялари билан прозамиз ривожда узгариш ясади «Синчалак» повести билан эса ана шу узгаришларни янада юкори поғонага кутарди. Кичикина бир киссада 50-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо булган муҳим ижтимоий – сиёсий узгаришларни, давр руҳини ёрқин акс эттирди.

А.Мухторнинг «Буронларда бордек халоват», П.Кодировнинг «Мерос» киссаларида меҳнат кишиси образи марказга қўйилган. Унга хос булган азалий ҳислатлар ва шу билан баробар пайдо булган янги фазилатлар чуқур бадиий ифодаларга талқин этилган. «Буронларда бордек халоват» повестининг бош қаҳрамони Заргаров – ишнинг кузини биладиган одам, инсоний баркамоллик йулида турувчиси шахс. Шунинг учун унда биз орзу қиладиган, интиладиган бугунги меҳнат кишисига, раҳбар ходимига хос қўлаб яхши ҳислатлар мавжуд. «Мерос»да эса асар қаҳрамони Ёлқин образи мисолида пахтакор меҳнатининг ҳақиқий машаққатлари бор ҳолича берилган. Ёзувчи асарда, фидойи шахслар ҳамиша қадрланишга, эътиборга муҳтож, деган фикрни бадиий маҳорат билан уртага қўяди. Бу масала бошқа киссаларда ҳам, чунончи, О.Ёкубовнинг «Бир фелъетон киссаси», «Қанотжуфт булади» асарларида ҳам қутарилган.

О.Ёкубовнинг «Муқаддас», У.Умарбековнинг «Ёз ёмғири», У.Хошимовнинг «Баҳор қайтмайди» киссалари маънавий – ахлоқий масалаларга бағишланган. Бу асарлар узининг бадиий таъсир қучи билан бошқалардан ажралиб туради. Бу киссаларда худбинлик инсонни инкирозга, ҳалокатга олиб бориши мумкинлиги таъсирчан ифода этилган.

Бу давр киссачилигида аналитик тасвирга мойиллик қучайганлиги сезилади. О.Ёкубов, У.Умарбеков, У.Хошимов асарларида шундай хусусиятлар мавжуд. У.М.Мухаммад Дустнинг «Галатепага қайтиш», «Истефо» киссасиларида янада чуқурлашган. Ёзувчи қаҳрамонларнинг ҳаётини, руҳий дунёсини чуқур ва атрофлиқ таҳлил этган. Бу киссаларда аналитик тасвирнинг янги фазилатлар билан бойигани, унга истехзо, киноя – пичинг қаби оҳангларнинг қўшилиши асардан олинадиган таъсирни янада оширганини қўзатиш мумкин.

50-80 йилларда ҳажвий киссачилик соҳасида ҳам айрим изланишлар бўлди. Бу уринда Саид Аҳмаднинг «Гилдирак», Х.Тухтабоевнинг «Жонгинам, шартингни айт», Н.Аминовнинг «Ёлгончи фаришталар» қаби асарларини келтириш мумкин. Хусусан, «Ёлгончи фаришталар» киссасида елвизак феъл, суваракмижоз одамларга хос жихатлар қош этилади. Ундаги Ботиржон образи бадиий тип даражасига қутарилган.

Ойбекнинг «Болалик хотиралари», А.Каххорнинг «Утмишдан эртақлар» киссалари ҳам бу давр адабиётида алоҳида урин тутди. Бу асарлар 10-йилларнинг мураккаб воқеаларига бағишланган. Уларнинг ҳар иккисида ҳам муштараклик мавжуд: аввало, бир даврда кечган воқеаларга бағишланган, яъни мавзуси яқин; сунгра ифода услуби жихатидан ҳам бир- бирига ҳамоҳанг, яъни ёзувчилар ҳаётни узларининг болалик йиллари мисолида қўсатиб берадилар. Адабий материалдаги яқинлик айни чоқда улардаги узига ҳосликка ҳалакит бермаган: Ойбек қўпроқ тасвирда поэтик жихатларга ургу берган бўлса, А.Каххор икки томонлама зулмдан эзилган одамлар фожиясини очишга интилан.

Шу даврда мавжуд булган турғунлик ва шунга уҳшаш иллатларга эга булган совет мафқураси киссачиликнинг тулик маънода ривожланишга ҳалакит берди. Кейинчалик ҳеч қандай бадиий қийматга эга булмаган «инкилоб» мавзусида давр, шароит талаби билан талай асарлар яратилди. Қатор киссаларда ҳаётнинг утқир, долзарб ижтимоий муаммолари четлаб утилди, ута хусусий, чучмал ишқий ва оилавий можароларга, сахта романтик сарғузаштларга кенг урин берилди. Чунончи, М.Коревнинг «Афросиёб гузали», «Турналар баланд учади», С.Қароматовнинг «Тоғ гузали», Т.Жалиловнинг «Олтин қафас», Сайёрнинг «Хулқар», Д.Нурийнинг «Оқшом қўшиқлари» асарлари шу жўмлага қиради. У.Умарбековнинг «Қамир Усмоновнинг икки баҳори» киссасида эса қитобийлик қасали



кузга ташланади. Шунинг учун ҳам бу асарлар хакида адабий танкидчилик узининг салбий муносабатини билдирган.

Бу даврда тарихий мавзуда ҳамда Иккинчи жахон уруши мавзуида ҳам бир катор кассалар яратилди. Албатта, уларнинг бадиийлик даражаси бир хил эмас. Лекин ижодий изланишларнинг бу йуналишда ҳам олиб борилгани мухим ижодий ҳолатлардан ҳисобланади.

### **Романчилик.**

50-80 йиллар узбек адабиёти ривожига ҳос етакчи йуналишлар, унинг ютуқ ва камчиликлари роман жанрида ҳам яққол кузга ташланади. Бу даврда бениҳоя куплаб романлар яратилди. Табиийки, уларнинг бадиийлик даражаси турлича. Чунончи, улар орасида уртамиёна, ҳатто танкидий таҳлилга арзимайдиганлари ҳам анчагина учрайди. Айни чоқда шундай романлар ҳам яратилдики, булар узбек адабиёти ривожига узига ҳос бир босқични ташкил этади.

Роман бадииятида ҳам янгиликлар пайдо булди. Аънавий – хронологик тасвир усули билан баробар қаҳрамон ҳаётининг қисқача, тигиз палласини танлаб олиб, характернинг рухий дунёсини чуқур таҳлил этишга, фалсафийликка мойил, тасвирда драматизм кескинлиги мавжуд булган полифоник роман намуналари ҳам яратилди.

П.Кодировнинг «Уч илдиз», А.Мухторнинг «Тугилиш», Шухратнинг «Олтин зангламас» романларида шахсга сигиниш, дағматизм, ҳалол ва ижодий фикрлайдиган одамлар бошига тушган огир савдолар муйян кишилар образи орқали акс эттирилди. Х. Гуломнинг «Бинафша атри», Мирмухсиннинг «Умид», П.Кодировнинг «Қора кузлар», «Олмос қамар», Одил Ёкубовнинг «Диенат», У. Хошимовнинг «Нур борқи, соя бор», Ш.Холмирзаевнинг «Сунгги бекат», У.Усмоновнинг «Гирдоб» романларида 60-70 йиллардаги ҳалқимиз ҳаётининг долзарб муаммолари акс этди. Кейинчалик субъективизм, тургунлик мафқураси ва психологияси деб қораланган салбий ҳодисалар, муайян қатлам кишиларига ҳос маънавий муҳит, мешчанлик қайфияти кескин қораланди. Иштимой адолат, бурч, виждон, диенат, маънавий эътиқод масалалари кескин қилиб қўйилди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган О.Ёкубовнинг «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» М. Муҳаммад Дустининг «Қолазор», Н. Қобулнинг «Унитилган соҳиллар» романларида тургунлик йилларининг мураккаб воқеалари ҳақида суз боради..

Бу даврда Иккинчи жахон уриши даврига бағишлаб ҳам қатор романлар яратилди. Уларни икки йуналишга ажратиш мумкин: Биринчиси, бевосита жанг воқеаларига бағишланган романлар (Ойбекнинг «Қуёш қораймас», Шухратнинг «Шинелли йиллар» қабӣ асарлари): иккинчиси, мамлакат ичкараси – уша даврдаги Ўзбекистондаги ҳаётга бағишланган романлар (Саид Аҳмаднинг «Хижрон қунларида» («Уфқ»дан), О.Ёкубовнинг «Эр бошига иш тушса...», Р.Файзийнинг «Ҳазрати инсон» асарлари қабӣ).

Бу даврда яратилган яна шундай романлар ҳам борқи, уларнинг айнан мана шу даврга бағишланган дейиш қийин. Уларда ҳалқимизнинг маълум бир даврда босиб утган ҳаёти йули, тажрибаси бадиий-фалсафий тарзда умумлаштиришга ҳаракат қилинади. А.Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», «Қинор», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», У.Хошимовнинг «Икки эшик ораси» асарлари бунга мисол булади олади.

Шу даврга қелиб, узбек тарихий романчилиги ривожӣ янги босқичга қутарилди. Ўзоқ утмишда яшаган буюқ шахслар, аждодларимизнинг мураккаб тарихий қечмиши зур бадиий маҳоарт билан очиб берилган бир қатор намуналар яратилди. О.Ёкубовнинг «Ўлугбек ҳазинаси», «Қуҳна дунё», П.Кодировнинг «Юлдузли тунлар», Мирмухсинининг «Меъмор» қабӣ романлари шу жумлага қиради.

### **Назорати топшириқлари**

1.1.1. Бу даврда янги бадиий тафаккурнинг маҳсули сифатида қандай асарлар яратилди?

- 1.1.2. Бу давр хикоячилигида инсон характери курсатишда қандай изланишлар қўзғатиланади?
- 1.1.3. Хикоячиликда қандай шаклий изланишларни қўзғатиш мумкин?
- 1.1.4. Инсон ҳаёти уткир ижтимоий муаммолар билан биргаликда қўзғатилган қандай хикоялар яратилди?
- 1.1.5. Бу давр хикоячилигида услубий изланишлар қандай кечди?
- 2.2.1. Шу давр қиссачилиги тараккиётида ёзувчиларнинг турли авлоди вакиллари қандай иштирок этди?
- 2.2.2. А.Қахҳорнинг «Синчалақ» повести бу давр қиссачилигида қандай аҳамиятга эга бўлди?
- 2.2.3. Бу давр қиссачилигида меҳнат кишиси образи маҳорат билан яратилган қандай асар мавжуд?
- 2.2.4. Маънавий-ахлоқий мавзуда қандай яхши асарлар яратилди?
- 2.2.5. Бу даврда аналитик тасвирга мойиллик қайси асарларда қўзғатиланиб туради?
- 2.3.1. Турғунлик йилларидаги ҳаёт муаммолари ақс этган асарлар қайси жавобда турғун қўзғатилган?
  - А. «Уч илдиз», «Тугилиш», «Олтин зангламас».
  - Б. «Бинафша атри», «Умид», «Қора қўзлар».
  - С. «Оқ қўшлар, оппоқ қўшлар », «Жимжитлик», «Қолазор»
- 2.3.2. Уруш давридаги ёшлар образи бош мавзу сифатида қайси асарда олинган?
  - А. «Уфқ»
  - Б. «Ҳазрати инсон»
  - С. «Эр бошига иш тушса...»
- 2.3.3. Меъмор Қазлиддин образи қайси тарихий романда берилган.
  - А. «Улугбек ҳазинаси».
  - Б. «Юлдузли тунлар»
  - С. «Меъмор».

### **3 асосий масала.**

- 1.3. Назм (поэзия).

#### **Уқитувчининг мақсади:**

50-80 йиллар адабиётидаги бу муҳим йўналиш ҳақида талабаларга тушунча бериш ва шу йўл билан улардаги билим қўникмасини қўқурлаштириш.

#### **Идентиф уқув мақсадлари:**

- 1.1.1. Поэзия тараккиёти билан прозанинг ривожини талаба узаро таққослаб қўради.
- 1.1.2. Наср ва назм тараккиётини умумлаштириб, шундан адабиётнинг ривожига тааллуқли ҳўлосалар қўкаради.
- 1.1.3. Адабиётдаги бу икки соҳа ривожини орқали иждодий маҳорат масалаларига эътибор қўратади.

### **3 – асосий масаланинг баёни:**

#### **Назм (поэзия).**

#### **Лирика.**

Ижтимоий ҳаётда янгича рухнинг пайдо бўла бошлаши узбек шеърлятида муайян узгаришларнинг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, 60- йилларнинг бошларида бу жихат яққолроқ кузга ташлана бошлади.

Бу давр поэзиясида Ватан, она – юрт ҳақида, уни ҳар жихатдан идеалга мос ва мувофиқ ҳолда қуриш орзуси билан йугрилган шеърлар алоҳида бир йуналишни ташкил этади. Айниқса, бу йуналишнинг салмоғи Оролга бағишланган шеърларда янада яққолроқ сезилади. Э. Воҳидовнинг «Сирдаё улани», А. Ориповнинг «Орол учун», Х.Хузайбердиеванинг «Сирдарё билан суҳбат» Ш.Раҳмоннинг «Оролга» каби шеърларини бу уринда келтириш мумкин.

Ушбу ун йилликларда халқаро миқёсдаги воқеаларга муносабат билдириш ҳам узбек шеърлятидан кенг урин эгаллади. Булар халқимизга ҳос умуминсоний туйғуларнинг ифодаси тарзида юзага келган шеърлардир, дейилса тугри бўлади. Ойбекнинг «Каптарлар, о каптарлар», Г.Гуломнинг «Она кизим Жамилага», М.Шайхзоданинг «Шоир калби дунёни тинглар», Зулфиянинг «Салом, Миср», А.Мухторнинг «Тушларим, безовта тушларим» каби шеърлари бунга мисол бўла олади. Бу йуналишни айрим ижодкорларнинг сафар, саёҳат таассуротлари асосида яратилган туркум шеърлари янада салмоқлироқ кузга ташланишини таъминлаган. Масалан, Э.Воҳидовнинг 1977 йилда Америкага килган саёҳати натижасида «Аукцион», «Арслон ургатувчи», «Алишер Навоий кемаси», «Унутиш кушиги», «Сармоядор», «Куча четидаги аёл» каби шеърлари юзага келди. 1979 йилда О.Матжон АКШга саёҳат қилиб, «Плайизликларнинг антика ирими», «Клод Моне чизган манзаралар», «Плайиз шахрининг таърифи», «Ок уйда Жон Кеннеди портрети», «Нью-Йоркда мендай бир зот» каби қатор шеърлар яратиди. А.Орипов («Калифорнияда чойхурлик»), Р.Парфи («Пабло Неруда улимига»), Т.Каххор («Чилилик қувгинди қундалигидан парчалар») каби шоирлар ҳам бу йуналишда айрим асарлар ёздилар.

Бу йилларда замон ва бурч, ахлоқ ва ахлоқсизлик, меҳр – оқибат ва бефарқлик, садокат ва ҳиёнат, олижаноблик ва ёвузлик, ишонч ва гумон каби муҳим инсоний кечинмаларни шеърга солиш майли ҳам қучайди. Бу – бежиз эмас. Чунки ҳаётнинг узида бундай йуналишга туртки берадиган ҳолатлар етарли даражада эди. бинобарин, бу йуналиш Шукрулло, С.Зуннунова каби шоирлар ижодида салмоқли урин эгаллади. Хусусан, Шукруллонинг «Инсон ва яхшилик», «Шарпалар», «Унутиш», «Садокат», «Учрашув», С.Зуннунованинг «Баъзан ҳаёлимга чирмашиб олиб», «Ёмғир шовиллайди», «Мен яхши биламан», «Сени менга ёмон деса қим» каби қатор шеърлари бунга мисол бўлади.

Бу давр узбек шеърлятида севги ва садокат туйғуларига бағишланган асарлар руҳати алоҳида урин эгаллайди. Хусусан, бундай туйғуларнинг утган уруш фожиялари мисолида берилиши узгача бир манзараларда намоён бўлади. А.Ориповнинг «Аёл», Х.Худойбердиеванинг «Қайтмайман», «Она садокати ва угил армони қиссаси», О.Ҳожиёванинг «Сангиной қиссаси», «Гудсум хола соғинчи», У.Азимовнинг «Самандар», «Марсия» каби шеърлари бу йуналишдаги ижодий изланишларнинг намуналаридир.

Севги ва муҳаббат мавзуси ҳам бу йилларда кенг ишланди. Бу жихатдан Шухратнинг поэтик изланишлари айрича кузга ташланиб туради. Унинг «Рашк», «Ҳали ҳам ушасан», «Умид», «Бойси узинг» каби қатор шеърларида бу туйғулар самимий ифодаланган. А.Мухторнинг «Ишончсиз қадамлар», «Аминман», «Чиганок ва жавахир» каби шеърларида севги билан боғлиқ туйғулар ихчам сатрларда ва сермаъно деталларда ифодаланди. А.Ориповнинг «Эслаш», «Қасамдара», «Сен баҳорни соғинмадингми?», «Муҳаббат», «Севги улими», «Биринчи муҳаббатим» каби шеърларида бу туйғуларнинг яна бир муҳим қирраси – изтироб туйғулари улкан бир маҳорат билан ифодаланди. Бу йуналишда О.Матжон ҳам унумли ижод қилди. Унинг «Қимнидир ахтардим», «Қузгарингни яширма мендан», «Юлдузлар», «Эшигиндан утарман ҳар қун», «Ҳаёлимда яшар бир наргис» каби шеърлари, шунингдек, 12 та шеърни уз ичига «Сени яхши

кураман» туркуми шу мавзуга багишлангандир. Умуман, бундай шеърларни шу даврда ижод килган ҳамма шоирлардан келтириш мумкин.

Бу даврда турли рамзий ишораларга бой шеърлар ҳам куплаб яратилди. Олдинлари рамзий тасвирлар шеър ичида образ – деталлар сифатида куришиб келган булса, бу даврда шеърни бошдан оёқ рамзий образ асосига куриш майли кучайди. А.Мухторнинг («Урок ва болга»), «Хазон», «Товушлар», «Нихол», «Китоб чиккан соат», «Бойчечак», «Арча ва Олча», «Кушча» каби катор миниатюралари ана шундай рамзий шеърлардир. Э.Воҳидовнинг «Куча уртасида бир синик шиша», А.Ориповнинг «Тилла баликча» каби шеърларида ҳам рамзий ифода етакчилик килади.

50 – 80 йиллар шеъриятида хажвий йуналиш ҳам муайян урин тутди. Бу йуналишда С.Абдукаххор, О.Кучкорбеков, Я.Курбон каби масалчи шоирлар, Уйгун, С.Абдулла, А.Мухтор, Э.Воҳидов каби лирик шоирлар салмокли ижод қилишди. Шоирларимиз бундай асарларини турли шакл ва усуллардан фойдаланган ҳолда яратишди. Чунончи, С. Абдулла арузнинг маснавий, ғазал, мухаммас каби поэтик шаклларида фойдаланди. Унинг «Тақасалтанг», «Порахур», «Насихатнома», «Истарам» каби асарлари бунга мисол бўла олади. Бундай шакл ва усулларда ёзиш Э.Воҳидов ижодида ҳам куринади. Шоирнинг «Соч мадҳи», «Насихат», «Бошимдадир», «Мажлис қилинг», «Манфаат фалсафаси» каби шеърлари бунинг исботидир. Э.Воҳидовнинг «Дониш кишлоги латифалари» туркуми ҳам бу давр хажвий лирикасида уз урнига эгадир. А.Мухторнинг хажвий лирикасида бошқа бир жихат – психологик талқиннинг қучлилиги, серкирралиги ажралиб туради. Унинг «Теримда», «Чолу кампирлар», «Мис қалпоқли йигит», «Оталарга маслаҳат» каби шеърлар хушчакчак қулгига, «Шурлик», «Қаттағиз», «Қарга» каби шеърлари аччиқ заҳархандага бойлиги билан диққатини тортади. А.Орипов, О.Матжонларнинг хажвий шеърлари у қадар қуп бўлмаса – да, уларда қулгидан қош қилиш ёки хушчакчак бир қайфият яратиш воситаси сифатида фойдаланиш хусусияти яққол қузга ташланиб туради. Бу уринда А.Ориповнинг «Хангома», «Тулқи фалсафаси», «Миш - миш», «Илтимос», О.Матжоннинг «Хафа Хуроз», «Давроншоҳнинг сурати», «Самарқандлик қуёв» каби шеърларини келтириш мумкин.

Бу давр лирикасида шакл соҳасида изланишлар тез – тез қузга ташланиб турди. Масалан, ғазалчиликда С.Абдулла, Хабибий, Чархий, В.Саъдулла ва кейинги авлод вақилларидан С.Зуннунова, Э.Воҳидов, Ж.Қамол каби катор шоирлар тажрибалар қилиб турдилар. Рубоий жанрида эса М.Шайхзода, Р.Бобожон, А.Мухтор, Т.Йулдош каби ижодқорлар турли намуналар яратдилар. Сонетчиликда Б.Бойқобилов анчагина тажрибалар олиб борди. Р.Парфи эса катор сонетлар ижод этиш билан бирга япон шеъриятидаги танка ва хокку каби жанрларни ўзбек шеъриятига тадбиқ этишга ҳам ҳаракат қилди.

### **Поэмачилик.**

50-80 йиллар поэмачилигида тарихий тараккиётнинг турли босқичларидаги воқеа – ҳодисаларни лиро-эпик йуналишда тадқиқ этишга, турли даврда яшаган аجدодларимиз образини яратишга интилиш қучайди. Уларда, албатта, қайсидир даражада уша найтдаги ҳукмрон мафқуранинг таъсири сезилади. Буни инқор этиб бўлмайди. Лекин айни чоқда уларда узининг бадиийлик даражаси билан мафқура қизикларида юқори қутарилишга эришишга муаллифлар муваффақ бўлган уринлар қупроқ учрайди. Шу маънода ҳар қандай чеклашларга қарамай бу асарларда утмишнинг ҳаққоний манзараси тасвирига дуч қеламиз. Ойбекнинг «Ўғли ва Навоий», Мирмуҳсиннинг «Широқ», М.Алининг «Машраб», «Ўғмаздаги нур», О.Матжоннинг «Пахлавон Маҳмуд», А. Ориповнинг «Ҳаким ва Ажал» каби асарлари шундай дostonлар сирасига қиради.

Бу даврда маънавий-ахлокий мавзуларда ёзилган, бу йуналишда юксак гоյларни тарғиб этадиган катор поэмалар ҳам яратилди Хамид Гуломнинг «Лола кул », М.Бобоевнинг «Она калби», С.Зуннуованинг «Рух билан суҳбат», С.Акбарийнинг «Менинг маҳаллам», Д.Файзийнинг «Онаизор» каби асарлари шу жумлага киради.

Айрим шоирларимиз тасвир майдонини кенг олиб, умумбашарий фожиялар хакида ҳам поэмалар яратишди. Х.Гуломнинг «Амазонка кушиги», Ойбекнинг «Даврим жарохати», Э.Воҳидовнинг «Рухлар исёни» асарлари ана шундай руйхатга кирувчи дostonлардир.

Бу даврда яна шундай поэмалар ҳам яратилдики, улардаги композицион тузилиш ҳам, туйгулар ифодаси ҳам гоят мураккабдир. Шунинг учун ҳам уларда тасвир гоят мураккаб тулкинларда олиб борилади, кахрамонларнинг рухий дунёси кескин ҳаётий вазиятларда очиб берилади. Э.Воҳидовнинг «Нидо», Миртемирнинг «Сурат», О.Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар» дostonлари ана шундай асарлар сирасига киради.

### Назорат топшириклари.

- 1.1.1. Хаётдаги янгича рух назмда қай тарзда уз ифодасини топа боради?
- 1.1.2. Бу давр шеъриятида халқаро мавзу қандай ифодаланди?
- 1.1.3. Бу давр шеъриятида маънавий- ахлокий масалалар талқини қандай урин тутади?
- 1.1.4. Ушбу давр шеъриятида севги ва садокат мавзусида қандай шеърлар яратилди?
- 1.1.5. Шу даврда ҳажвий шеърят адабий жараёнда қандай урин тутди?
- 3.2.1. Шу давр шеъриятида шаклий изланишлар қандай кечди:
- 3.2.2. Шеърятда рамзийликнинг аҳамияти бу даврда қай тарзда намоён бўлади?
- 3.2.3. Бу давр поэмачилигида мавзу ранг –баранглиги қандай?
- 3.2.4. Бу поэмаларнинг яратилиши жараёнида мафқуранинг таъсир даражаси қаерларда сезилади?
- 3.2.5. Шу даврда маънавий ахлокий мавзуда қандай поэмалар яратилди?
- 3.2.6. Хорижий мавзуда ёзилган ушбу поэмаларнинг ёзилган қайси бирида халқнинг эрки йулида қурбон бўлган шоир қисмати акс этган?

- А. «Амазанка кушиги» (Х.Гулом).  
Б. Даврим жарохати» (Ойбек).  
С.»Рухлар исёни» (Э.Воҳидов)
- 3.3.2. Севган кишисига хиёнат қилиш ҳақидаги тасвир қуйидаги асарларнинг қайси бирида асосий сюжет йуналишини ташкил этади?
- А. «Нидо»(Э.Воҳидов).  
Б. «Сурат» (Миртемир).  
С. «Ғаплашадиган вақтлар» (О.Матжон).

#### 4 – асосий масала

#### 4.1.Драматургия.

Укитувчининг макседи: Урганилаётган давр адабиётининг навбатдаги муҳим йуналиши билан талабаларни таништириш. Адабиётнинг ривожини тасаввур қилишда бу соҳа ҳам катта аҳамиятга эга эканини ўларга англатиш.

**Идентифікувати укупні максималі:**

- #### 4.1.1. Драматургиянинг ўзига хос жihatларини янада чуқурук англайди.

- 4.1.2. Унинг ички йуналишларини аниқлаб олади.
- 4.1.3. Драматургиядаги тасвирнинг ҳаётга яқинлигига эътибор қаратади.
- 4.1.4. Бу соҳа тараккиётини бошқа йуналишлар билан таққослаб, умумлаштиради.

#### **4- асосий масаланинг баёни.**

50-80 йиллар ўзбек драматургияси тараккиётини «конфликтсизлик» назарияси асоратидан қутилиш учун интилиш, ҳаракат бўлган давр сифатида ҳарактерлаш мумкин. Чунки бу даврда истедодли ёзувчилар адабиётда воқеа бўладиган асарлар ҳам яратилди. Лекин айни чоқда бадиий жихатдан бўш, уртамиёна асарлар ҳам яратилди. Бунини ушбу рақамдан ҳам билса бўлади: шу даврда жами тахминин юздан ортиқ пьесалар ёзилди; шундан ижобий баҳога сазовор бўлгани ун – ун бештадан ошмайди.

Халқ тақдирини қурсатувчи, даврнинг бош ва илғор йуналиши, руҳини ўзида мужассамлаштирган қурашчан ижобий қаҳрамонларни гавдалантирган, воқеалиқдаги кескин зиддиятларни ҳаққоний таҳлил қилиш орқали тараккиётнинг олға томон одимини қатта истёдод, маҳорат билан таққик этган асарлар бу давр драматургиясининг ривожини таъминлади. А Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» (1962) сатирик комедиясининг пайдо бўлиши мусаффо осмонда пайдо бўлган момақалди қадар таассурот қолдирди. Шунинг учун ушунга шароитда бу асарнинг тақдирини оғир қилди. У унчалик қўп ўтмасдан сахнадан олиб ташланди ва орадан чорак асрча вақт ўтгандан кейингина халққа қайтарилди. Бу асар турғунлик даврида авж ола бошлаган порахурилик иллатига бағишланган эди.

Кейинги ун йилликлар драматургиясида асосий эътибор шахс маънавияти, виждони, унинг жамият олдидagi бурчи масаласига қаратишга ҳаракат қилинганлиги сезилади. Драматурглар маънавий масаласини шахснинг шаклланиши, қамолати билан боғлаб талқин қилишга интилдилар. Ўйғуннинг «Хуррият» (1958), «Парвона» (1966) қаби асарларида бу масала турлича талқин қилинди – драма ва комедия жанрлари имкониятларидан қилиб қилинган ҳолда қилинди. И.Султоннинг «Имон» (1960), «Номалум киши» пьесаларида эса бу янада янги қарар усул ва усулларда қилинди. Бу асарларда драматург ота – бола ўртасидаги конфликтни тасвир қилишга қўйишга интилади. Маълум усул инсон характери янада мураккаб ҳолатларда қилиш имконини беради. («Имон»: Санжар – отаси Қомиллов; «Номалум киши»: Турғун – отаси Қазлиддин). Бу даврнинг 70-йилларига қилиб, танқиди прозаик Ў.Ўмарбеков драматургияда ўз қаламини қилиб қўйди. У «Қомиссия» (1974), «Қиёмат қарз» (1976), «Шошма, қўёш» (1978), «Қўзнинг биринчи қўни» (1981), «Аризасига қўра» (1982) қаби қатор драматик асарлар ёзди. Бу драмаларнинг ҳаммасининг ҳам асосида маънавий – ахлоқий масалалар туради. Қаҳрамонлар қалқис ҳолат ва вазиятларда қўновдан ўтқилиди, қўжияли ва мураккаб воқеалар қисолида инсон характери руҳий жихатдан қўиб қилишга ҳаракат қилинади. Публицистик руҳ, қўик дидактика ва лирик оҳанг унинг драмаларининг ажралиб турадиган қизилатларидир.

50-80 йиллар драматургиясида муҳим ҳаётий проблемалар қўйила бошлади, ҳаётнинг мураккаб жихатлари, айниқса, инсоннинг руҳий, маънавий қилинишларини таққик қилишга интилиш қўчайди. Драматурглар ўсишга ҳалақит берадиган иллатларни қеранрок ўргана бошладилар. Лекин бу йилда қилинаётган ишлар, олиб қўрилаётган қилинишлар ҳамма вақт ҳам бир текистда қетди, деб бўлмайди. Масалан, шу қикрни комедия жанрига таққик этадиган бўлсак бу даврда ўнлаб бу жанрда асарлар яратиди. Х. Қўломнинг «Тўшболта ошик» (1962), Р.Бобожоннинг «Тўга - жиянлар» (1960), Ўйғунинг «Лакма» (1971), Шўҳратнинг «Беш қўнлик қўёв» (1970) қаби бир қатор асарлар, қарчи сахналаштирилган бўлишга қарамай, у қадар муваффақият қўзона олмайди. Қадар бу йуналишдаги ўқ – туртта комедиягина халққа манзур бўлди, адабиётимиз ҳазинасидан ўрин олди. Шўндай асарлар қўйхатида А. Қаҳҳорнинг

«Аяжонларим» (1967), Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» (1970), Саид Аҳмаднинг «Келинлар кузголони» (1976) каби комедиялари бор. Бу асарлар ижтимоий мазмуннинг уткирлиги, комик характерларнинг ёркинлиги, кулгисининг хайтбахшлиги билан томошабинларга манзур булди. Уларда шахснинг иллатлардан тозаланиши, маънавий ва рухий эркинликка эришиши ҳаққоний акс эттирилгани мазкур асарларнинг муваффақиятини таъминлади.

Ушбу даврда тарихий шахслар, тарихий воқеалар асос қилиб олинган асарлар ҳам яратилди. Булардан Уйғуннинг «Абу Али Ибн Сино», «Абу Райхон Беруний», «Зебунисо», И.Султоннинг «Донишманднинг ёшлиги», Т.Туланнинг «Кувваи қахқах» каби асарларини келтириш мумкин. Бу асарларда утмишнинг у ёки бу даврининг манзараси, жамиятдаги маънавий ҳолат, халқнинг эрк ва адолат учун олиб борган кураши тасвирлашга ҳаракат қилинган. Тугри, бу асарларнинг ҳаммаси бир хил даражада эмас. Уларнинг айримларида яхлит драмати ҳаракат етишмайди, баъзиларида сюжет чизиги, конфликт характери, персонажлар кифофасида янгилик у қадар сезилмайди. Шундай булса-да, бу асарлар шу давр драматургиясининг умумий манзарасида қузга ташланиб турадиган асарлардир.

Тарихий мавзудаги асарлар орасида М.Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» (1961) трагедиясининг алоҳида ўрни бор. Трагедиядаги бош қаҳрамон образи мисолида муаллиф маърифатпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик туйғуларини тарғиб этади. Ваҳшийлик, жаҳолат, тубанлик, мутелик, адолатсизлик, нопоқлик қабиларни эса қоралайди. Асарда М.Шайхзода Улугбекнинг трагик ҳолатини, характериға хос қирраларни очишға хизмат этадиган қучли ва ёркин сахналар яратишға эришган. Лекин бу асарға ҳозирги мустиқиллик қуларимиздан туриб назар қоладиган булсак, унда совет мафқураси талаблари билан яратилган сахналар ва талқинлар ҳам бор эканлиги аён булади. Чунончи, Улугбекнинг Темур бобосининг арвоҳи билан учрашуви берилган рамзий сахнада унинг «Шоҳлар бурчи яшатмоқми ёки улимми? Қувват нима? Мурувватми ёки зулмми?» дея бобосидан маслаҳат сурашиға Амир Темур «Инсоният тарихининг қалами шамшир», «Қимқи сенға бош эғмаса, бошин узмоқ» деган жавобларни беради. Бунда уша пайтда ҳукмрон булган мафқура талаби, яъни Амир Темурға нисбатан факат салбий муносабатда булиш тамойили сезилиб туради. Аммо шунға қарамай мазкур драманинг 50-80 йиллар драматургияси тараккиётида узиға хос ўрни бор.

Умуман, бу давр драматургиясида гоёвий – бадиий жихатдан изланишлар яққол қузга ташланиб туради. Бу асарларнинг халқимизнинг маънавий қамолатида муносиб ўрни булди, деган гапни бемалол айтиш мумкин.

### **Назорат топшириқлари.**

- 4.1.1. Бу давр драматургиясида қандай салбий иллат изи сезилади?
- 4.1.2. Бу давр драматургиясида қандай умумий манзара қузга ташланади?
- 4.1.3. Шу давр ҳаётидаги иллатларға қескин муносабат билдирувчи қандай асарлар пайдо булди?
- 4.1.4. Шахс маънавияти ҳақида қандай сахна асарлари яратилди?
- 4.1.5. Бу мавзудаги асарларда қандай усул ва воситаларадан фойдаланилди?
- 4.2.1. Ушбу давр драматургияси ривожида У.Умарбеков асарлари қандайурин тутади?
- 4.2.2. Комедия жанрининг ривожида шу даврда қандай қамчиликлар қузга ташланади?
- 4.2.3. Бу давр драматургиясида тарихий мавзу қандай урин тутади?
- 4.2.4. Уларға хос қандай қамчиликларни қузатиш мумкин?
- 4.2.5. Трагедия жанри бу давр драматургиясида қандай мавқеға эға булди.
- 4.3.1. Илмдаги угирлик иллатлари қайси асарда қош этилади?
  - А. «Парвона» (Уйғун).
  - Б. «Имон» (И.Султон).

- С. «Киёмат карз» (У.Умарбеков).
- 4.3.2. Оилада ахиллик ва поклик масласи қайси асарда бош мавзу сифатида берилган?
- А. «Аяжонларим» (А.Каххор).
- Б. «Олтин девор» (Э.Воҳидов).
- С. «Келинлар кузголони» (Саид Аҳмад).

### **Адабиётлар.**

1. Муаллифлар жамоаси XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т., «Укитувчи» 1999 йил.
2. Н.Каримов. XX аср ўзбек адабиёти тарақиётининг узига хос хусусиятлари ва миллий истиклол мафкураси. Т. 1993 йил.
3. С.Мирзаев, С.Шермухаммедов. «Хозирги замон ўзбек адабиёти тарихи» Т., «Укитувчи», 1993 йил.
4. О.Шарофиддинов. Сардафтар саҳифалари. Т., «Ёзувчи» 1999 йил.
5. И.Гафуров. Уттиз йил изхори. Т., Г.Гулом нашриёти, 1989 йил.

### **Мавзу: Зулфия.**

### **Мавзу режаси.**

1. Зулфиянинг ҳаёти.
2. Шоира шеъриятининг мавзулари ва узига хос хусусиятлари.
3. Зулфия дostonлари.

### **Мавзудаги таянч тушунчалар:**

Интеллектуал ва психологик шеърият, фожиавий коллизия, шеъриятда куп овозлилик ва сероханглик, шеъриятда воқеълик, рухий тарих, хижрон мотивлари, ҳолат ва туйғуларни типиклаштириш, шеърда бахт ва бахтсизлик ҳамда қувонч ва ғам ифодаси, шеърий туркум, лирикада аёл қалби ифодаси.

### **Асосий масала**

- 1.1. Зулфия.

### **Укитувчининг максaди:**

Талабаларга ўзбек шеъриятининг бу атоқли намояндаси ижоди ҳақида тушунча бериш. Унинг ҳаётининг ибратли томонларига эътиборини тортиш.

### **Идентив укув максaдлари:**

- 1.1.1. Зулфиянинг XX аср ўзбек адабиётида тутган урнига эътибор қаратади.
- 1.1.2. Зулфия ижодига хос хусусиятларни аниқлаб боради.
- 1.1.3. Зулфия ижодини урни билан бошқа ёзувчилар билан солиштиради.
- 1.1.4. Зулфиянинг инсон сaдокaт ҳақида фикрлар билдиради. Ижоди ва ҳаёти мисолида.

### **Асосий масала баёни**

Зулфия Исроилова 1915 йилнинг 1 мaртида Тошкентда тугилди. Зулфия оиланинг кенжa фарзaнди бўлган. Унинг турт ақаси турли маъсул лaвoзимларда ишлагaн ва кaтaгoн йилларнинг қaҳригa дучор бўлган. Зулфия хотин – кизлар пeдaгoгикa билим юртидa тaхсил олган (1931-1934 йиллар). Зулфиянинг илк шеъри – «Кизил дуррa» парaнжи



ташлаб, кизил дурра урай бошлаган аёллар хаётига багишланган. 1935 йилда у хаётини шоир Х.Олимжон билан боглаган. 1944 йилда Зулфиянинг бошига огир мусибат тушди – умр йулдоши Х.Олимжон автомобил халокатига учраб, хаётдан бевакт куз юмди. У узок йиллар «Саодат» журналида (олдин у «Ўзбекистон хотин - кизлари» деб аталган) бош мухаррир булиб ишлади (1953- 1980). Зулфия 1996 йилнинг 1 - августида вафот этди.

Шоира узининг узок йиллик ижодий фаолияти давомида куплаб китоблар нашр эттирди. Булар куйидагилар: «Хаёт варакалари» (1932), «Кизлар кушиги» (1939), «Уни Фарход дер эдилар» (1943), «Хижрон кунларида» (1944), «Хулкор» (1947), «Мен тонгни куйлайман» (1950), «Юрагимга якин кишилар» (1958), «Танланган асарлар» (1959), «Куйларим сизга» (1965), «Уйлар» (1969), «Лолакизгалдок» (1970), «Куёшли калам» (1971), «Висол» ва х.к.

Унинг 1974 – 1975 йилларда икки жилдлик «Асарлар»и, 1985-1986 йилларда уч жилдлик «Асарлари» нашр этилган.

Зулфия лирикасини интеллектуал ва психологик шеърият дейиш мумкин. Чунки унда теран фикр жушкин хиссиёт билан уйгунлашиб кетган. Шоира шеърларидаги хиссиёт окими фожиавий коллизиялар чуққисигача ушиб, ривожланиб боради. Лекин у, гарчи шундай мунақаб жараёнларни уз ичига олса – да, тушкунлик рухидаги шеърият эмас. Балки аксинча маънавий бой, рухан тетик лирик кахрамонига эга булган хаётбахш ва мардона шеъриятдир. Шоиранинг шеърларида вокелик ва инсон тақдири кечаги куни, бугунги ва эртаси билан идрок этилади. Унинг ижодида «хотира», «тақдирдош», «юрагимга якин кишилар», «келажак» каби тушунчалар гоят мухим ахамият касб этади.

«Мен шеърларимни бир мавзу атрофида чекланиб қолишини истамайман», деганди Зулфия. Дарҳақиқат, шоира лирикаси куп овозли ва серохангдир. Бу охангларнинг энг мухимини шодлик ва гам, хижрон ва фожиавийлак ташкил этади. Зулфия уз шеъриятининг куп овозли эканини «Сен ток эмас – икки турли соз, куш канот – ла киласан парвоз» ёки «Хижронинг калбимда, созинг кулимда» кабилида шеърий йул билан ҳам бир неча бор таъкидлайди. Бу жихат шоиранинг ижодий принципи даражасига кутарилган. Унинг лирикасидаги шодлик ва кутаринкилик оханглари, шубҳасиз, Х.Олимжон ижодига хос булган йуналиш билан богланади. Фожиавий оханглар эса, табиийки, унинг бошига тушган мусибатлар, хаётда узи дуч келган изтиробли воқеалар таъсирида юзага келган. Бу жихатлар бирикиб Зулфия шеърлардаги бир узига хосликни, воқеавийликни келтириб чиқарган.

«Назаримда, шоирлар уз таржимаи холларини ёзмасликлари жоиз. Негаки, шоирлар хақида шеърлари тавсиф беради, улар хақида ҳамма нарсани айтиб бермаса ҳам, ижодларида хаётларининг купчилик томонларини шарх этиб беришга кодир шеърлар булади», деб ёзган эди. Зулфия. Бошқа бир жойда шоира «Хулкар» китоби муносабати билан «Мен бу шеърларга уз рухий тарихимнинг бир парчасини жойлаштира бошладим, бу парчанинг уз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди», деган эди. Шеърларга бундай «рухий тарих»ни жойлаш тасвирга аниқлик ва ёркинлик, лирик кахрамон киёфасига эса чуқур хаётийлик багишлайди. Шоира уз бошидан кечирганларини, хаётий тажрибаларини, рухий ва хиссий холатларини, калб зарбларини бериш, тахлил этиш оркали кенг оламга ва кишиларнинг калбига чуқур кириб борди. Бу айниқса, Х.Олимжоннинг фожиали улими муносабати билан кенг ва теран ишланган хижрон мотивидаги шеърларида яккол сезилади. Шоира ижодига хос яна бир узига хос жихатни эътибордан соқит қилиб булмайди. Аслида хижрон мотивлари Зулфия шеъриятида Х.Олимжон вафотига қадар бошланган эди. Аниқроғи, урушнинг дастлабки йилларидаги айрилиқ ва хижрон билан боглиқ холатлар унинг шеърларига шундай йуналиш берган эди. Зулфиянинг «Хижрон» шеъри, «Уни Фарход дер эдилар», «Хижрон кунларида» китоблари Х.Олимжон таҳририда нашр этилган эди. Фарқ шундаки, шоиранинг «Хижрон» тушунчаси хақидаги карашларига хаёт, вокелик жиддий таҳрир киритди. Олдинлари «Бу хижрон мангумас, висоли ҳам бор» деган бир рухий кайфиятда булган шоира мангу хижрон билан узи юзма – юз келди.

Зулфиянинг «Голиблар кайтганда» (1945), «Уғлим, сира булмайди уруш», (1954) номли шеърлари бор. Бу шеърлар, гарчи турли йилларда ёзилган булса – да, уларни бир – бирига бошлаб турадиган иллар бордек. Чунки ҳар иккала шеърда ҳам уруш туфайли ҳаётдаги энг яқин кишиси – умр йулдошини йукотган аёллар образи берилган. Лекин ҳар қайси шеърдаги лирик қаҳрамон образи гоят узиға ҳос ҳолат ва воситалар орқали ифодаланган. Бу шеърларда шоира узгаларнинг шодлик ва ғамини узиникидек ҳис этади, узиникини эса халқникига кушиб юборади. Шу тарзда Зулфия бундай мураккаб инсоний ҳолат ва туйғуларни типиклаштиради. Шунинг учун ҳам Зулфиянинг ҳижрон мавзусидаги асарлари чин севги ва вафо, инсоннинг катта бахти ва ёрига чексиз садоқати, огир йукотиш ва чексиз куйиниш, уруш ва ҳижрон, мардлик ва жасорат, ҳаёт ва улим уртасидаги кураш, Ватан ва бурч, утмиш, бугун ва эрта, инсон тақдири, унинг рухий олами билан боғлиқ ҳилма – ҳил ҳис – туйғу, кечинма, фикр – уйлар, орзу – армонлар тугрисидаги асарлар сифатида ардоқланади.

Зулфиянинг кейинги йилларида ёзган «Мен тонгни қуйлайман», «Юрагимға яқин кишилар», «Уйлар», «Висол», «Йиллар, йиллар», «Азиз туйғулар», «Тонг билан шом аро» каби шеърларида ҳам замонамиз ва замондошларимиз калби бутун мураккаблиги билан, айна чокда ҳаётбахш, антимистик руҳининг қучли мавжи билан тасвирланди. Шоира ижодининг бошидан охирига қадар инсон тақдиридаги икки асосий кутбни – бахт ва бахтсизликни, қувонч ва ғамни бир бутунликда ва идрок этди. Шу иккилик унинг лирикасининг фожиавий асоси – бош қоллизиясини белгилайди. Унинг «Уқувчимға», «Умид кутаман», «Қуёш узиб бер», «Табиатға исён», «Долғали бир ҳаёт...» каби шеърларида шундай ижодий принципга амал қилингани сезилиб туради. Лекин шоира бу иккиликнинг доимий билшини истамайди, яхшиликнинг ва бахтинг устун қилишини орзу қилади. Ҳамиша инсонни бахти угал ҳолатда қуриш фикри билан яшайди.

Шоира ижоди давомида қатор шеърӣ туркумлар ҳам яратди. У мазкур шеърӣ туркумлар орқали ҳаётни, воқеаликни, одамлар калбини кенгликда ва бутун мураккаблиги билан таҳлил этишға ҳаракат қилди. Шоиранинг талай шеърӣ туркумлари бор бўлиб, буларнинг ҳар бирида муаллиф рухий оламининг янги қирраси намоён бўлади. Агар «Ҳижрон қунларида» туркумида урушнинг шафқатсиз аланғасида азобланган калбнинг голиб чиқиш ифодаланса, «Юрагимға яқин кишилар» туркумида инсондаги матонат ва садоқат илдишларини одамлар меҳнатидан қидиради. «Мушоира» туркумида эса инсониятнинг тақдири, ташвиши, интилишлари, орзу – умидларининг муштараклигига ургу беради. «Уйлар», «Йиллар, йиллар» туркумларида ҳаёт ва инсон, муҳаббат ва садоқат, яшаш ва кураш маъноси туйғусида бадиӣ мушоҳада юритилса, «Қамалак» туркумида инсоният узи қашф этган қелажақ ҳақидаги орзулар қуйланади.

Зулфия шеърӣятиға ҳос бир айрича жиҳат бор. Шоира ҳаётдаги ҳамма нарса – шеърӣят учун материал, илҳом берувчи ҳамма нарса тугрисида қалам тебратади, аммо буларнинг барини аёл калби билан тинглаб, аёл қузи билан қуриб, идрок этиб аёл қузи – бўёғи билан тасвирлаган, унинг овозида қуйлаган. Шоиранинг қайси шеърӣға назар ташламанг, ундаги образлар ҳам аёллар дунёсидан топилган. Умуман олганда асарларнинг гоӣвийлик ва бадиӣйлик даражасининг мезони битта, албатта. Бирок воқеаликни қуриш ва бадиӣй тадқиқ этишда уларда ижод қонуниятлари ила тугилган муштараклик ҳам борлигини эътибордан қокит қилиш мумкин эмас. Демак, аёл шоиралар калби гоят назик ва сезгир, ута қуюнчақ ва фидойи бўлади. Шеърларда ҳам бу ҳусусият ва фазилатлар яққол аён бўлиб туради. Буларнинг барчаси Зулфия лирикасининг етакчи белгилари сифатида доимо уқувчи эътиборида туради.

Шоира ижодида унинг қаламиға мансуб достонларнинг ҳам урни бор. У бу жанрда «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Икки урток» (1946), «Мушоира» (1958), «Водил юлдузлари» (1965), «Суроклайди шоирни шеърим...» (1965), «Қуёшли қалам» (1979) «Ҳотира синиклари» (1985) каби намуналар яратди. Албатта, бу асарлар ҳаммаси бир ҳил даражада эмас. Лекин уларнинг ақсарият қисми адабиётимизда урни бор асарлар ҳисобланади. Ушбу асарларнинг мавзуси ҳам, бағишланган даври ҳам турличадир.

Чунончи, «Уни Фарход дер эдилар», «Суроклайди шоирни шеърим...», «Куёшли калам» дostonларида хаётда булган вокеалар, бор одамлар хакида суз кетади. «Мушоира», «Водил юлдузлари» дostonлари эса фалсафий уй ва мушохадаларга эрк берилган асарлардир. «Хотирам синиклари» асари Зулфиянинг сунгги дostonи булиб, номидан хам куруниб турганидек, инсоннинг уз хотараси олдидаги уйлари, армон ва изтироблари каламга олинган.

Зулфия 1996 йилнинг 1 августида вафот этди.

### **Назорат топшириклари.**

- 1.3.1. Зулфия кандай оилада тутилиб, вояга етган?
- 1.3.2. Зулфия кандай ташкилий- жамоатчилик ишларини бажарган?
- 1.3.3. Зулфия кандай китоблар чиқарган?
- 1.3.4. Нима учун Зулфия шеърларини интеллектуал ва психологик шеърият намуналари деймиз?
- 1.3.5. Зулфия шеъриятидаги куповозилик ва сероханглик нималарда куринади?
- 12.1. Шеърда шоир хаёти қай тарзда акс этишини Зулфия ижоди мисолида кандай тушунтириш мумкин?
- 1.2.2. Зулфия ижодида Х.Олимжоннинг фожиали улими кандай акс садо берди?
- 1.2.3. Зулфия шеъриятида замондошимиз образи кандай ифодаланди?
- 1.2.3. Зулфия кандай шеърий туркумлар яратди?
- 1.2.4. Зулфия шеъриятида аёл калби қай йусинда уз ифодасини топади?
- 1.3.1. Зулфиянинг биринчи китоби нима деб аталади?

- А. «Кизлар кушиги».
- Б. «Хаёт вараклари».
- С. «Хижрон кунларида»

- 1.3.3. Зулфиянинг қайси дostonида уз хаётида кечган вокеаларга мурожат қилади?

- А. «Куёшли калам»
- Б. «Суроклайди шоирни шеърим»
- С. «Хотирам синиклари».

### **Адабиётлар.**

1. Муаллифлар жамоаси. XX аср узбек адабиёти тарихи. Т., «Уқитувчи » 1999й.
2. С.Мирзаев, С. Шермухаммедов. Хозирги замон узбек адабиёти тарихи. Т., 1993
3. А.Акбаров. Зулфия. Т., Г.Гулом нашриёти 1975 йил.
4. М.Султонов. Ижод саҳифалари. Т., «Фан», 1975 йил.
5. О.Шарафиддинов. Калбимизга яқин шоира «Адабий этюдлар» китобида. Г.Гулом нашриёти 1968 йил.

### **Мавзу: Саид Аҳмад**

#### **Мавзу режаси**

1. Саид Аҳмад – ҳикоянавис
2. Саид Аҳмаднинг повесть ва романлари
3. Саид Аҳмад комедиялари.

### **Мавзуга оид таянч тушунчалар:**

Журналист – очеркчи, ижодий изланишлар даври, рассомчасига тасвир, услубдаги лиризм , ёшлик хакидаги хикоялар, хиссиёт тахлили, персонажларнинг тулаконли характерга айланмаслиги, меҳнат кишисини улугловчи хикоялар, лирик соз, ҳаётбахш юмор, ҳажвий- юмористик талкин, беозор ҳазил – мутойиба, газабли қаҳ-қаҳа, табиатан лириклик, тарихий ҳодисалар фони, боқий ғазилатлар, драматик ва трагик воқеа, воқеаларни детективнома тасвирлаш, эртан – драма, драматик миниатюра ва ҳ.к.

### **Асосий масала.**

1.1. Саид Аҳмад.

**Уқитувчининг максоди:** XX аср ўзбек адабиётининг бу йирик намояндаси ҳақида талабаларга тасаввур бериш. Унинг мураккаб ҳаёт ва ижод йули билан уларни таништириш.

### **Идентив укув максадлари:**

- 1.1.1. Саид Аҳмаднинг янги ўзбек адабиёти тараккиётидаги хизматларига эътибор қаратади.
- 1.1.2. Унинг ижодига ҳос йуналишларни алоҳида таъкидлайди.
- 1.1.3. Саид Аҳмад ижоди билан унга тенгдош бўлган бошқа ёзувчилар солиштиради.
- 1.1.4. Саид Аҳмаднинг шахсий ҳаёти ва ижодидаги иборатли жихатларга эътибор қаратади

### **Асосий масала баёни**

Саид Аҳмад 1920 йилда Тошкент шаҳрида тугилди. Унинг фамилияси Хусанхужаев. Мактабдан сунг Тошкент давлат педагогика институтида таълим олди (1938 - 1941). У адабиётга журналист – очеркчи сифатида кириб келди. Адибнинг шаклланишида матбуот ижодий мактаб вазифасини утади. «Ёш ленинчи », «Кизил Ўзбекистон» рузномаларида , «Муштум», «Шарк юлдузи» журналларида, Ўзбекистон радио қомететида турли вазифаларда ишлади.

Саид Аҳмаднинг биринчи китоби 1940 йилда «Тортик» номи билан нашр этилган. Унда ижодининг илк даврида ёзилган хикоялари жамланган. Бу китоб эълон қилинганч, А.Қаҳҳор томонидан қескин танқид қилинади. Уруш даври ва ундан кейинги маълум йиллар Саид Аҳмад учун ижодий изланишлар даври бўлди. Бу даврда яратган баъзи хикояларида ёзувчининг кейин қузга ташланган услубига ҳос ҳусусиятларнинг ўқунлари қузга ташланиб қолса-да, асосан, у хикоянавис сифатида 50-йилларнинг урталарида танилди.

Унинг «Эр юрак» (1942), «Фаргона хикоялари» (1948), «Мухаббат» (1949), «Қадрдон далалар» (1949), «Чул шамоллари» (1961), «Онажонлар» (1962), «Ҳазина» (1963), «Таъзим»(1966), «Қисса ва хикоялар» (1968) қаби ва бошқа қатор китоблари нашр этилган.

Саид Аҳмаднинг хикоянавис сифатида шаклланишида унинг уруш даврида ёзилган асарларининг узига ҳос аҳамияти бор. Бу даврда у «Мастонбиби», «Тепки», «Қутиш тараддуди», «Ирода», «Қушиқ » қаби хикоялар эълон қилган. Бу хикояларнинг бадиийлик даражаси у қадар юқори эмас. Лекин уларда ғавқулдда бир маҳорат билан қизилган лавҳалар тез-тез ўқраб туради. Бошқачароқ айтганда, рассомчасига аниқлик билан яратилган тасвирий парчалар маъжуд. Ана шу нурли ўқунлар кейинчалик Саид Аҳмад прозасининг етакчи услубий ҳусусиятига айлана борди.

Ёзувчи услубига ҳос лиризм адибнинг уруш ва унинг оқибатларига бағишланган асарларида, айниқса, алоҳида қузга ташланади. Адиб уруш туғайли одамлар бошига тушган ғажалар ҳақида баҳс этувчи ундан ортик хикоялар яратган. «Ҳазина»,

«Турналар», «Онажонлар», «Куклам чечаклари» «Лайлак келди» ва бошқа хикоялар бунга мисол була олади. Саид Ахмад олдин, яъни уруш йилларида шу мавзуда ёзилган хикояларида фронт хақида ҳам тасвирлар беришга ҳаракат қилган, лекин узи билмаган ва тасаввур қила олмайдиган нарсалар хақида ёзганлиги учун бу ҳаракат муваффақиятсиз якунланган эди («Ирода» хикояси). Шунинг учун адиб юқоридаги хикояларида уша даврнинг бевосита узи шохид бўлган, яқиндан билган лавҳаларини – кишиларимизнинг фронт орқасидаги ҳаётини, урушнинг мамлакат ичкарасидагилар тақдиридаги изларини, урушдан қайтганлар қисматини гавдалантирди. Ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, қолаверса, бутун халқ бошига тушган қийинчилик, жудолик, дард – аламларни рўй – рост қурсатди. Саид Ахмад асарларидаги персонажлардан бири томонидан айтилган «Дод, деб йигласа буладиган ишлар утди бошимиздан» деган сузлар шу йўналишдаги хикояларнинг персонажлари тақдирга тулик тааллуқли деса булади.

Саид Ахмад севги, садокат, ёшлик хақида ҳам катор хикоялар яратди. Бу мавзудаги хикояларининг қахрамонлари турли ёшдаги, турлича ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилардир: бу асарларнинг бирида мустақил ҳаёт оstonасига эндиган қадам қўйган, илк меҳнат, муҳаббат, илк буса лаззатидан эндигина баҳраманд бўлаётган ёшларни учратсак, иккинчисида ҳаётда адашиб, шахсий бахтини бой бериб қўйган ношуд – нотавон қимсаларга дуч келамиз; бошқасида уз шахсий ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, узгаларга бахт, шодлик ҳадя этган олижаноб кишиларни қурсак, яна бирида фақат узини деб бошқаларни қон қашатувчи худбинларга дуч келамиз. Унинг «Муҳаббатнинг тугилиши», «Ойдин кечалар», «Иқбол қироқлари», «Муҳаббат», «Баҳор сувлари», «Тог афсонаси», «Севгинга садикман» қаби хикоялари шу жумлага қиради. Бу хикоялар, муҳими, бизни инсонга бир бор бериладиган ҳаётни, инсоний бахтни, илк севгини қадрлашга, ҳаётда қин инсон бўлиб, ҳалол яшашга даъват этади, одамнинг одам одидаги, эл – юрт олдидagi маъсулиятини эслатиб туради, инсондаги ноёб туйғу, олижаноб фазилатларни қадрлашга, асрашга ундайди.

Маълумки, лирик хикояларда ҳиссиёт таҳлили биринчи ўринда туради. Лекин, айтиш лозимки, ҳиссиёт таҳлили билан иш қўришнинг муайян ҳатарли жиҳатлари ҳам бор. Биламизки, қайфият ва ҳиссиёт ўй – ақлга қараганда тезкор, узгарувчан. Бинобарин, ҳиссиётдаги узғариш ҳамма вақт ҳам характердаги туб узғаришларга тула тенг қелавермайди. Саид Ахмад баъзи асарларида қупрок ҳиссиёт таҳлилга берилиб кетган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунда қахрамонлар ҳаётидаги қескин бўрилишлар етарли далилланмай, персонажлар тулақонли характер даражасига етмай қолади. Ёзувчининг «Тулқинлар», «Тўй кечасида» қаби асарларини бу ерда мисол тариқасида қелтириш мумкин.

Меҳнатни, меҳнат қишисини улуглашга интилиш Саид Ахмад ижодидаги етакчи йўналишлардан биридир. Бу йўналишнинг бошланиши унинг урушдан олдин ва 40-йилларда ёзган қуплаб очерқлари билан боғланади. Ёзувчи узининг «Чул хикоялари» («Чул бурғути», «Урик домла», «Лочин»), «Чул шамоллари» («Одам ва бурон», «Бустон», «Ер ўйғонди», «Тўй боши», «Сени излаб»), «Чул оқшамлари» («Оталар ва болалар», «Ун сакқиз ёшинг», «Қузларингда ут бор эди», «Чевара», «Тог афсонаси», «Раҳмат, азизларим», «Тўй кечасида», «Ўйлар», «Сумбул», «Ялпиз хиди») қаби турқум хикояларида бадиий жиҳатлар юқори даражада бўлган катор асарлар яратиб, ўзбек хикоячилиги ривожига муносиб ҳисса қўшди. Бу йўналишга мансуб хикояларнинг узига ҳослиги шундаки, уларда ёзувчининг лирик сози ёнига қувноқ, ҳаётбахш юмор қелиб қўшилган. Бу юмор қишилардаги инсоний қозиқбани очишга, қамият ишига фидойилиқни қурсатишга, одамлар уртасидаги уртоқлик, биродарлик муносабатларини ардоқлашга қизмат қилади.

Саид Ахмад асарлари устида гап борганда унинг ижодига ҳос яна бир қислат эътиборни қортади. Адиб қахрамонлари бевосита табиат қўйнида тоғларда, қйловларда, қулларда, боғларда, далаларда, қир – адирларда ҳаракат қиладилар, улар нуқул табиат қучоғига, қенглиққа, уфққа талпинадилар. Адиб она табиатнинг мафтўни, ёниқ қўйқиси

сифатида иш куради, хусусан олтин водий – Фаргона водийси манзараларини ута кадрдон бир меҳр, самимият билан каламга олади. Бундай тасвирлар, табиийки, китобхондаги она табиатга меҳр хиссини жумбушга келтиради, унга она табиат фарзанди, унинг ажралмас қисми эканини эслатиб туради.

Саид Аҳмад ижодида ҳажвий асарларнинг ҳам салмоғи катта. Умуман, ҳажвий – юмористик талкинга мойиллик ёзувчи ижодининг ажралмас бир булагини ташкил этади. Хатто, тамомила бошқа йуналишдаги асар – «Уфк» да ҳам юмор сингдирилган саҳифалар кам эмас. Ёзувчининг ҳикоячилик фаолиятида эса бундай асарлар алоҳида бир йуналиш ҳисобланади. Унинг асарларида кулгининг ҳамма тури – кувнок ханда, енгил табассум, беозор ҳазил – мутўйбадан тортиб киноя- кесатик, масҳара ва ғазабли қаҳ – қаҳагача учрайди. Лекин унинг кулғиси ичида юмористик кулги алоҳида ажралиб туради. Ёзувчи табиатан лирик булганидан ҳажвиётда ҳам лириклигича қолади, ҳажвияларида ҳам лирик жушқинликни саклайди. Кувнок, ҳаётбахш кулги заминида ҳам ҳаётдаги кам – кустларни қоралаш мавжуд. Буни эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шундай бўлса – да, у асосан, ҳаётни, инсонни улуглашга қаратилган. Саид Аҳмаднинг купдан- куп ҳажвиялари, туркум ҳикояларидаги қатор персонажлар талқини шундай юмор билан сугорилгандир. Хаттоки, «Ханка билан Танка», «Менинг дустим Бабаев», «Лаъли бадахшон», «Ошқовок, 2», «Музыкали воқеа» каби ҳажвияларида танқид тиги ҳийла уткир бўлса – да, уларда кувнок кулги, ҳазил-мутўйба ҳал қилувчи аҳамият қасб этади.

Саид Аҳмаднинг насрдаги ижодида «Уфк» трилогиясининг алоҳида урни бор. Ёзувчи мазкур асар устида ун йилдан ортиқ меҳнат қилди. У «Қирқ беш кун» (1974), «Ҳижрон кунларида» (1964), «Уфк бусағасида» (1969) каби китоблардан ташкил тоган. Агар ўзбек халқи ҳаётининг тахминан ун йиллик даврини – уруш арафаси, уруш ва урушдан кейинги йилларни қамраб олган. Шу давр ичида қечган тарихий, ҳодисалар фонида муаллиф халқнинг маънавий бисотини очади, унинг характериға хос боқий фазилятлар – мардлик, танглик, олий жаноблик, бирдамлик, узора меҳр-оқибат каби туйғуларни ута самимий талқин этади. Трилогияда халқ ҳаёти, характери, оммавий меҳнат жараёни тасвири билан алоҳида шахслар тақдири, узига хос олами талқини узвий тарзда бирлашиб кетган. Асардаги ҳар бир персонажнинг уз ҳаёт йули, такомилли, характери, бетакрор хусусиятлари жонли, аниқ қизилган.

Романдаги Иқромжон образи- ёзувчининг жиддий ютуғи. Ундаги бор хусусиятлар қучли ва ожиз томонлари билан руй – рост қурсатилган. У – пок одам. Мана шу пок, бегубор, фидойи одам оиласида нопок қимса пайдо бўлади- унинг яққою ягона угли қочок, ҳоин бўлиб чиқади. Ёзувчи мана шундай мураккаб, драматик, хатто трагик воқеа мисолида ушбу қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини очишга жазм қилади. Агар Иқромжон образи шу йусинда чуқур психологик йуналишда яратилган бўлса, бошқа етакчи персонажлар, қунончи, Дилдор - лирик, Азизхон – лирик-романтик, Асрора – юмористик, Иноят оксоқол сатирик бўёқлар орқали қизилади.

Саид Аҳмад «Уфк»қа қадар ҳам насрнинг йирик шаклларида «Қадрдон далалар» (1949), «Ҳукм» (1958) каби қиссалар ёзган эди. «Қадрдон далалар»да урушдан кейинги давр адабий жараёни ва мафқурасига алоқадор бўлган бирёқламалик ва «қолип»лар қузға шундай ташланиб туради. «Ҳукм»да ҳам ёзувчи шура адабиётининг қонунларидан ташқарига чиқолган эмас. Унинг «Суд», «Гилдирак» каби қиссалари ҳам бор.

Саид Аҳмад «Жимжитлик» (1988) номли роман ҳам ёзган. Ёзувчининг олдин шу номда ҳикоя ёзгани маълум. Умуман унинг ижодига хос хусусиятлардан бири романлари билан ҳикоячиликдаги изланишлари уртасида муайян алоқани мавзудлигидир. Мазкур роман ҳақида ҳам қизқин баҳслар бўлди. Унда маҳорат билан ёзилган лавҳалар анчагина. Лекин асарга умумий тарзда баҳо бериладиган бўлса, у бир оз шошилиб ёзилганлигини айтиш керак. Романда мантиқан асосланмаган тасвирлар мавжуд. Шунингдек, унда ёзувчи ижодига хос бўлмаган услубга-воқеаларни детективнома тасвирлаш услубига дуч келамизки, бу асарнинг бадиийлиги учун хизмат қилмаган.

Ёзувчи драматургия соҳасида ҳам халкимизга машҳур асарлар яратди. Хатто айтиш мумкинки, бу жанрга жуда эрта кул урган – 1945 йилдаёқ болаларга бағишлаб эртақ йулида «Шерзод ва Гулшод» номли драма ёзган. У кейинчалик бу соҳанинг жуда кичик шаклида - драматик миниатюра жанирида самарали ижод қилган ва улар укувчиларга яхши таниш. Лекин ёзувчининг «Келинлар кузголони» (1976), «Куёв» (1986) каби комедияларининг сунгги давр ўзбек драматургиясида алоҳида ўрни бор. Хусусан, «Келинлар кузголони» комедияси ёзувчига катта шухрат келтирди. Тугри, асар ҳақида танқидчиликда турли –туман, хатто уни инкор этиш даражасида бўлган фикрлар билдирилган. Баъзи тугри танқидий мулоҳазаларни ёзувчи қабул қилиб, асарга ўзгартиришлар ҳам киритиб борган. Лекин мазкур комедия йиллар ўтиши жараёнида билдирилган қатор танқидий фикрлар нотугри эканлигини, у жуда катта ёзувчилик маҳорати натижасида юзага келганлигини исбот этди. Асардаги воқеалар бир серфарзанд ўзбек оиласи доирасида бўлади. Фармонбиби оилада мустаҳкам интизом, самимий муносабат, инқилиқ, ўзаро иштинч бўлиши, ҳар бир оила аъзосининг ҳалол яшаши ва ишлаши учун қайғуради. Фармонбиби оиласи – бамисоли ҳалолик ва тартиб – интизом истех -коми, унинг ўзи эса шу истехком қосбони. Бу истехкомга гоҳо гирромлик, нопқилиқ, тартиббузарлик, ичкиликбозлик иллатлари ҳуруж қилади. Фармонбиби эса бундай ҳуружларни қатъий туриб дафъ этишга эришади. Шу тариқа комедия муаллифи бир қарашда енгил – елпи ҳазил – мутўйбадан иборатдек тўюлган ҳодисалар замирада муҳим ижтимоий маъно топа олган, томошабинлар қунглида эса муҳим ҳаётий муаммоларга фаол муносабат ўйғотишга эришган.

Саид Аҳмад ҳам инсон, ҳам ижодқор сифатида мураккаб йўлни босиб ўтди. Пировардида, мана шу йўл уни халкимиз учун ардоқли инсонга, адабиётимиз учун атоқли ёзувчиларимиздан бирига айлантирди. Ҳозирги кунда у мустақил Ўзбекистонимизнинг қатор юқори орденоларининг соҳиби бўлган, Ўзбекистон Қаҳрамони ўнвонига беришга муносиб қурилган ижодқордир.

#### Назорат топшириқлари:

- 1.1.1. Саид аҳмаднинг ҳаёти қандай кечган?
- 1.1.2. Саид Аҳмаднинг биринчи тупмининг тақдири қандай кечди?
- 1.1.3. Ёзувчининг шу пайтга қадар қандай китоблари чиққан?
- 1.1.4. Уруш мавзуидаги ҳикояларида лиризм қандай тарзда қузга ташланади?
- 1.1.5. Севги – муҳаббат мавзуидаги ҳикоялар ёзувчи ижодида қандай ўрин тутати?
- 1.2.1. Хиссиёт таҳлилига ортиқча ўрин бериш ёзувчи ижодида қандай натижалар келтириб чиқарган?
- 1.2.2. Саид Аҳмаднинг турқум ҳикоялари бадиийлик нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга?
- 1.2.3. Ёзувчи асарларида табиат тасвиридан қандай фойдаланади?
- 1.2.4. Саид Аҳмаднинг ҳажвий ҳикоячилигида маҳорати қандай?
- 1.2.5. Саид Аҳмад ижодида «Уфқ» трилогияси қандай юзага келди?
- 1.3.1. «Уфқ» трилогиясининг қайси китоби биринчи эълон қилинган?
  - А. «Қирқ беш қун»
  - Б. «Хижрон қунларида».
  - С. «Уфқ бусағасида».
- 1.3.2. Саид Аҳмад қиссаларининг қайси бири ҳажвий йўл билан яратилган?
  - А. «Қадрдон далалар».
  - Б. «Хукм».
  - С. «Гилдирак».

#### Адабиётлар.

1. Муаллифлар жамоаси. XX аср узбек адабиёти тарихи, Т., 1999 .
2. Норматов У. Саид Ахмад Т., 1978 .
3. Гафуров И. Прозанинг шоири . Т., 1981.
4. У.Улжабоев Саид Ахмад. «Узбек ҳарбий прозасида характер яратишнинг баъзи масалалари» китобида. Т., 1989.

### **Мавзу: Аскад Мухтор.**

#### **Мавзу режаси:**

1. А.Мухтор шеърляри.
2. А.Мухтор достонлари.
3. А.Мухтор ҳикоялари.
4. А.Мухторнинг қисса ва романлари.

#### **Мавзудаги таянч тушунчалар :**

Лирик характер, поэтик манзара, воқеабанд шеърлар, поэзиядаги баёнчилик, интеллектуал деталлар, рамзий образлар, шуролар даври мафкуриси, социалистик реализм методи қолипи ва ҳ.к

#### **Асосий масала.**

##### **1.1.Аскад Мухтор**

**Уқитувчининг мақсади:** Талабаларда узбек адабиётининг бу узиға ҳос намоёндаси ижоди ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

#### **Идентив уқув мақсадлари:**

- 1.1. А.Мухторнинг XX аср узбек адабиётида тутган урнини билади.
- 1.2. Унинг бошқа ёзувчилар ижоди билан ҳамоханг томонларига эътибор қилади.
- 1.3. А.Мухтор ижодининг фарқан узиға ҳос жиҳатларини аниқлайди.
- 1.4. Унинг яратган асарларидан маънавий – эстетик ҳулосалар чиқаради.

#### **Асосий масаланинг баёни:**

А.Мухтор 1920 йил 23 декабрда Фарғона шаҳрида ишчи оиласида туғилди. У отаси вафот этгач, болалар уйида тарбияланади. 1936 йилда Тошкентга келиб, журналистика курсида ўқиди. У САГУ ни битирган. 1943 – 1945 йилларда Андижон педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Кейинчалик «Ёш ленинчи», «Кизил Ўзбекистон» газеталарида шунингдек , «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналларида ишлаган. У Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида раҳбарлик лавозимларида ҳам фаолият курсатган.

А.Мухторнинг биринчи шеъри «Ленин ўққуни» газетасида 1935 йилда эълон қилинган 1938 – 1940 йиллар давомида «Тилак », «Абадият», «Тотли дамлар», «Шеър ва ҳаёт» каби бир қанча шеърлари республика газетада ва журналларида босилди. 1939 йилда «Бизнинг авлод» номли поэма ҳам нашр қилдириди. Булар ҳали ёш шоирнинг дастлабки машқлари эди.

Уруш йилларида А.Мухтор ҳам бошқа ижодкор тенгдошлари қатори замон талабларига жавоб беришга интилади. Бу даврда долзарб дамлар руҳини узида ифодаловчи «Бу қуннинг хитоби», «Она хурсанд», «Галаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Согиниш» каби шеърла ёзди. Бу шеърлар гоёвий – бадиий жиҳатдан мукаммал бўлмаса-да, уларда муҳим иккита аломат-психологик ҳолат ифодаси орқали лирик характерни шакллантиришга интилиш ҳамда деталлар воситасида поэтик манзара ва лирик қайфият



яратишга майиллик кузга ташланади. Кейинчалик шоир ижодидаги ана шу икки йул ривожлана бориб, унинг поэтик услубининг белгиларига айланди. 50 – йилларнинг бошларига келиб шундай аломатларга эга булган «Болалар», «Теримда », «Чолу кампирлар», «Бригадамиз» каби воқеабанд шеърлар яратди.

50-йиллар узбек поэзиясидаги баёнчилик, риторика, баландпарвозлик, жунлик каби нуксонлардан А.Мухтор шеърлари ҳам холи эмас. Масалан, унинг «Тошкентликлар» (1955) шеърида шундай ҳолатга дуч келиш мумкин. Унда баёнчилик кучли. Шоирнинг шу даврда яратган «Пахта байрами» шеърида ҳам шундай умумийлик, баландпарвозлик ҳукмрон.

50 – йилларнинг иккинчи ярми ва 60- йилларнинг бошларига келиб унинг шеърларида жиддий сифат узгаришлари кузга ташлана бошлади. Шоир лирикасида интеллектуал деталлар, рамзий образлар, тағмаёноли поэтик мушоҳадалар шаклланди ва ривожланди. А.Мухторнинг «Асрим», «Угирланган куз ёши », «Поп» этиб накш олма тушди йулакка», «Вакт», «Ярим тундан кейин урнимга ётсам», «Тушларим, безовта тушларим», «Тош», «Европада колган кабрлар» каби унлаб шеърлари бунга мисол була олади. Дунёнинг, инсониятнинг келажаги ҳақидаги безовталиқ «Тушларим, безовта тушларим» шеърининг асосини ташкил этади. «Европада колган кабрлар»да эса Иккинчи жаҳон уруши фожиялари ҳақида шеърӣ ифодалар берилган. «Янгам» шеърида эса эри фронтга кетган аёлнинг оғир меҳнат жараёнидаги ҳолатидан лавҳалар чизади.

А.Мухтор меҳнатсеварлик, ҳалоллик, инсонийлик, бурч каби ҳислатлар ҳақида шеърлар яратди. Унинг талкинчи, инсон уз умрида халқ учун, жамият учун эзгу ишлар қилса уз номини шон – шарафларга уради, халқ хотирасида қолади. Аксинча, умрини ниманидир бузиш, қулатиш билан утқазса халқ нафратига учради. Унинг «Умр йули» шеърида шу мазмун ва шу гоӣ ифодаланган.

Воқеалиқни рамзий деталлар ва символлар воситасида поэтик идрок этиш усули ҳам А.Мухтор услубининг муҳим хусусияти сифатида шаклланди ва ривожланди. Бундай ҳолатни «Майса мавж урар», «Урок ва болга», «Ҳазон», «Товушлар», «Умр», «Богим», «Нихол», «Китоб чиккан соат», «Тонг», «Узак», «Аму», «Бойчечак» каби шеърлари мисолида қуриш мумкин. Маълум буладики, А.Мухторнинг узига ҳос услуби унинг воқелиқни поэтик символлар воситасида кашф эта боришидадир.

А.Мухтор қатор поэмалар муаллифи ҳамдир. Унинг «Пулат қуювчи» (1947), «Шералининг дустӣ барҳаёт» (1947), «Адолат » (1948), «Қатта йулда» (1949), «Мангулиққа даҳлдор» (1969), «Дол қоя» (1986) каби асарлари шу жумлага қиради. «Пулат қуювчи» достони ишчилар ҳаётидан олиб ёзилган асардир. Унинг асосида Бекобод металлургия қамбинатининг қурилиши билан боғлиқ воқеалар туради. Лекин унинг мавзуси муҳим бўлса – да, бадиияти буш чиккан. «Шералининг дустӣ барҳаёт» асари ҳам шу мавзуда ёзилгандир. Унда ҳам узи учун, ҳам Ленинград қамалида ҳалок бўлган дустӣ Василий учун дастғох ёнида меҳнат қилган Шерали исмли ишчи йигит образини яратган. «Адолат» асар эса эртак – дostonдир. Унда Адолат исмли хизматқор бир қизнинг тақдири ҳикоя қилинган. «Қатта йулда» достони эса қишлоқ ҳаётига бағишланган асардир. «Мангулиққа даҳлдор» асари Ленин ва унинг гоӣларининг ҳаётӣлиги ҳақидадир. Қуриниб турибдики, бу асарлар, гарчи уз вақтида ижобӣ баҳога сазовор бўлган бўлса – да ,ҳозир уз қимматини сақламаган. Уларда ҳаёт жун ва сунъӣ ифодаларда тасвирланган.

А.Мухтор уз ижодӣ фаолиятида ишчилар ҳақида, хусусан , Бекобод металлургия қамбинати ишчилари ҳақида қуп асарлар ёзган ёзувчидир. Кейинчалик унинг ижоднинг бошқа бир қатта йулига – насрга утишида бу йуналишдаги изланишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аниқроқ айтилганда, А.Мухторнинг ишчилар ҳақида дастлабки ёзганлари унинг қатта прозага утишида бир қуприк вазифасини утади. Шу жаҳатдан унинг бу йуналишдаги «Металлурғлар» (1946), «Пулат шахри» (1946), «Пулат шахрининг қаҳрамони » (1949) каби очерқлари муҳим аҳамиятга эгадир. Кейингчалик, А.Мухтор «Пулат шахри» (1950), «Истикбол» (1951), Ҳаётга қақирик (1956) номлари билан очерқ ва

хикоялар тупламларини нашр эттирди. Шу китобларга кирган «Оксана», «Дог», «Хайри» каби хикоячиликдаги дастлабки тажрибалари насрдаги унинг кейинги фаолиятида муҳим роль уйнади. Бу жанрдаги ижодини ёзувчи кейин ҳам давом эттирди. Унинг «Дунё болалари» туркумига кирган хикоялари, шунингдек, «Туккиззинчи палата», «Хонимнинг тугилган кунлари» каби хикоялари бунга исбот бўлиши мумкин. А.Мухторнинг «Инсонга куллуқ киладурмен» (1994) китобида ҳам унинг шу жанрда ёзган асарлари жамлангандир.

А.Мухтор насрнинг катта шаклларида ҳам салмоқли ижод қилган, самарали изланишлар олиб борган адибдир. Унинг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Коракалпок кассаси» (1958), «Буронларда бордек ҳаловат» (1976), «Бухоронинг жин кучалари» (1980), «Жар ёқасида чакмок» (1982), «Аму» (Қумуш тола) (1987) каби кассалари мавжуд. Бу кассаларнинг айримлари олдинги даврларда адабий танқидчиликнинг юқори баҳосига сазовор бўлган эди. ҳусусан, «Коракалпок кассаси» ҳақида шу гапларни айтиш мумкин. Бошқаларда ҳам А.Мухторнинг кассанавислик маҳоратидан далолат берадиган, характер яратишдаги узига ҳос жиҳатларни намоён қила оладиган уринлар анчагина учрайди. Айни вақтда уларда шурулар даври мафқурасининг таъсири ҳам сезилади.

Ёзувчининг роман жанридаги ижоди ҳам ўзбек адабиётида алоҳида қузғатиланади. Бу адабий шаклда у «Опа-сингиллар» (1955), «Тугилиш» (1960), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1969) каби намуналар яратди. Бу асарлар ҳақида ҳам адабиётшуносликда қуп мулоҳазалар билдирилган. Чунончи, ёзувчининг илк романи – «Опа - сингиллар» ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Бу асар шурулар даврида юқори баҳоланган. Чунки унда «инкилоб» гоёларига мос, унинг аҳамиятини очиб беришга хизмат қилувчи вақеалар тасвирланган. Ана шу гоёларни инсонлар тақдирига тадбиқ қилишда ёзувчи анчагина маҳорат қурсатгани ҳам сезилиб туради. Лекин мана шу маҳорат социалистик реализм талабларига бўйсундирилгани романнинг ҳозирги қунимиз учун аҳамиятини йўққа чиқаради.

А.Мухторнинг кейинги романлари - «Тугилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор ҳам социалистик реализм» методи талаблари асосида яратилган асарлар ҳисобланади. Лекин бу билан юқоридаги асарларни бутунлай аҳамиятсиз, десак тугри бўлмайди. Чунки А.Мухтор нима бўлганда ҳам жуда катта исьтедод эгаси эди. Гарчи бу асарларда ҳукмрон мафқура таъсири сезилиб турса-да, улардаги жозибали ёки драматик манзарлардан, инсоний ҳолатлар чуқур очиб берилган қуплаб лавҳалардан қуз юмиш мумкин эмас. Чунончи, «Тугилиш» романда бир қурилиш объектидаги иш жараёнида янги авлоднинг шаклланиши билан боглик воқеалар тасвирини беради. «Давр менинг тақдиримда» романида муайян бир авлоднинг тақдири ҳақида гап кетади. «Чинор» да халқнинг абадийлиги улугланади. Бу асарларда социалистик реализм методига ҳос принцип қолиплари сезилиб туради. Лекин уларда баъзан бу қолипларни ёриб чиккан, ҳаётнинг ҳаққоний тасвири берилган эпизодлар ҳам тез – тез учраб туради.

А.Мухтор драматургия жанрларида ҳам тажрибалар қилиб қурган. Бу соҳада у қадар шуҳрат қозона олмаган бўлса – да, ҳар ҳолда «Мардлик чуккиси», «Самандар», «Яхшиликка яхшилик» каби драматурк асарлар ёзган.

А.Мухтор 1997 йилнинг апрель ойида вафот этган.

### **Назорат топшириқлари:**

- 1.1.1. А.Мухторнинг ҳаётидаги асосий босқичлар нималардан иборат?
- 1.1.2. А.Мухтор дастлаб қандай асарлари билан танилди?
- 1.1.3. Уруш йилларида у қандай шеърий асарлар яратди?
- 1.1.4. 50-йиллар шеъриятидаги қамчиликлар А.Мухторнинг қайси шеърларида акс этди?
- 1.1.5. 50-йилларнинг иккинчи ярми ва ундан кейинги даврда А.Мухтор шеърларида қандай сифат ўзгаришлар қузатилади?

- 1.2.1. А.Мухтор «Умр йули» шеърида қандай поэтик фикрларни илгари суради?
- 1.2.2. А.Мухторнинг воқелик рамзий деталлар ва символлар воситасида пдрок этишга йуналтирилган қандай шеърлари бор?
- 1.2.3. А Мухтор қандай поэмалар яратилган?
- 1.2.4. А.Мухторнинг насрдаги ижоди қандай бошланган?
- 1.2.5. У қандай ҳикоялар яратган?
- 1.3.1. Беқобод металлургия комбинати қурилиши билан боғлиқ воқеалар А.Мухторнинг қайси қиссасида акс этган?

- А. «Дарёлар туташган жойда».
- Б. «Жар ёқасида чакмок».
- С. «Буронларда бордек ҳаловат»

- 1.3.2. Сунагул исми қаҳрамон А.Мухторнинг қайси асарининг қаҳрамони?

- А. «Тугилиш».
- Б. «Дар менинг тақдирим».
- С. «Чинор».

### **Адабиётлар.**

1. Сойимов Б. Асқад Мухтор прозаси. Т., Фан, 1968 .
2. Тоғаев О. Асқад Мухтор Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1965.
3. Шарафиддинов О. Ижоднинг қатта йулида. «Биринчи муъжиза» қитобида. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1978.
4. Ҳамид Т. Қушиқлар қанотида. Т., Г.Гулом номидаги нашриёт, 1975.

### **Мавзу: Одил Ёқубов.**

#### **Мавзу режаси:**

1. О.Ёқубов ҳикоялари.
2. О.Ёқубов қиссалари.
3. О.Ёқубов романлари.

**Мавзунинг таянч тушунчалари:** қатогон қилиш, ҳудбинлик ва софлик, драматик эпизотлар, асарнинг ҳаққонийлиги, маънавий –ахлоқий муаммолар, турғунлик йиллари, Япон Самурийлари, «ўзбек шши», халқни халқаро микёсда бадном қилиш реалистик ифода усули, тарихий роман, психологизм тасвири, тулдирилган қайта нашр ва ҳ.к.

#### **Асосий масала:**

- 1.1.Одил Ёқубов.

**Уқитувчининг мақсади:** О.Ёқубов ижоди ҳақида талабаларга билим бериш.

#### **Идентив уқув мақсадлари:**

- 1.1. О.Ёқубов ижодининг ўзбек адабиётида тутган урнини тасаввур қилади.
- 1.2. О.Ёқубов ижоди қандай йуналишлар бўйича ушиб борганини билиб олади.
- 1.3. О. Ёқубов қайси соҳаларда салмоқлироқ ижод қилганини ажратадиган бўлади.

1.4. О.Ёкубов яратган кахрамонлардан узи учун керакли маънавий сабоклар олади.

#### **Асосий масала баёни:**

Хаёти: Чимкент вилоятининг Карнок (хозирги Отабой) кишлоғида тугилган. Отаси Эгамберди Ёкубов вилоятда маъсул лавозимларда ишлаган. 1937 йилда катогон қилинган. Отасининг таъсири билан дастлаб рус мактабида ўқиган, сунгра кишлоққа қайтиб, ўзбек мактабида ўқишини давом эттирган. 1945 йилда ҳарбий хизматга олинди, Квантун армиясини тор – мор этишда қатнашади. У 1950 йилга қадар ҳарбий хизматни давом эттиради. 1950 йилда эса САГУнинг филология факультетига ўқишга қиради 1955-1959 йилларда Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, сунгра ун йилча «Литературная газета»да муҳбир, «Ўзбекфильм», Ўзбекистон Кинематография давлат кумитасида турли лавозимларда ишлайди. 1970 – 1982 йилларда Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир уринбосари, 1982 – 1987 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида муҳаррир, 1987-1991 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувчининг биринчи китоби лавозимларида ишлади. 1991 йилдан ҳозирга қадар Республика атамалар кумитасининг раисидир.

Ижодининг бошланиши: Биринчи нашр этилган асари – «Тенгдошлар» (1951) қиссасидир. Бунга қадар, ёзувчининг узининг ёзишича, у анча ҳикоялар ва бир роман ҳам қоралаган экан. Лекин О.Ёкубовни ёзувчи сифатида элга танитган асар, бу – «Муқаддас» (1960) повестидир.

Ёзувчининг ҳикоячиликдаги ижоди: 50 – йилларда О.Ёкубовнинг «Дастлабки қадам» (1953), «Икки муҳаббат» (1955) номи билан ҳикоялар тўпламлари нашр этилди. Биринчи тўпلام – «Дастлабки қадам»да болаларга бағишлаб ёзилган ҳикоялар жамланган. Унга «Дастлабки қадам», «Қаптар», «Гоголь тирик», «Ларза», «Дустлар», «Имтиҳон», «Мустиқлик» каби ҳикоялар қиритилган.

«Икки муҳаббат» ҳикоясида муҳаббат мавзуси қаламга олинган. Унда Собиржон ва Насибалар уртасидаги туйғуларнинг сохта эканлиги, ҳақиқий туйғунинг нима эканлигини Собиржон кишлоққа ишга келгач, Махбуба исмли киз билан танишгандан кейингина тушуниб етганлиги тасвир этилган. Ёзувчининг «Янги йил кечасида», «Тог кизи» каби ҳикояларида ҳам шу мавзу қаламга олинган.

О.Ёкубов кейинги ун йилликларида ҳам бир қатор ҳикоялар яратди. Булар жумласига «Аямажуз», «Лирик ва физик қиссаси», «Видо», «Яхшилик», «Ўйуқолган юлдузим», «Бахт қуши» каби ҳикоялари қиради. «Аямажуз» ҳикоясида киши қалби, унинг нозик туйғуларини ҳис қилмовчи умуман бундай туйғулардан бебаҳра қимса – «Оқсоқ темир» образи ниятда ҳаётий яратилган. «Лирик ва физик қиссаси» ҳикоясида ҳаётда узининг айби билан бахтидан жудо бўлувчи, лекин бунга бошқаларни айбдор деб санаб юривчи кишилар қиёфаси Қахрамон исмли йигит образида берилган. «Видо» ҳикоясида фарзандлик бурчи, инсонийлик масаласи уртага қўйилган. «Яхшилик» ҳикоясида шаҳардан келин бўлиб тушган келинчакнинг туйнинг эртасигаёқ севгилисини фронтга жунатиши, жудаликдан кейинги ички изтироблари ниятда ҳаётий, ишонарли тасвирланган. «Ўйуқолган юлдузим» ҳикоясида болаларнинг бегубор қалбида балогат туйғуси – эндигина ниш ураётган илк севги гоёт самимий тасвирланади. «Бахт қуши» ҳикоясининг қахрамони Суръатжоннинг омонат бойлик кетидан қувиб абадий бойликдан ажраб қолишига бир баҳя қолиши ишонарли ифодаланган.

Хуллас маъмур ҳикояларнинг сунгги давр ўзбек адабиётида узига ҳос урни бор. Уларда муҳим маънавий – ахлоқий масалар қатта ёзувчилик маҳорати билан ҳал этилган.

Ёзувчининг қиссачиликдаги ижоди. О.Ёкубов бу жанрда ҳам қўлаб асарлар яратди. Чунончи, «Мақаддас» (1960), «Тилла узик » (1960), «Ларза », «Бир фелъетон қиссаси», (1962), «Қанот жуфт бўлади» (1968), «Матлуба»(1970), «Излайман» (1971), «Биллур қандиллар» (1975) каби қиссаларни келтириш мумкин.

«Макаддас» киссаси факат ёзувчи ижодида эмас, 60 –йиллар узбек адабиётида ҳам муҳим ҳодиса бўлди. Унда ҳаётда худбинлик билан софлик, виждонийлик ёнма –ён туришлиги, киши озгина ноҳуя ҳаракат қилса худбинлик қучасига қириб кетиши муқинлиги бош қаҳрамон Шариф мисолида жуда ишонарли қурсатилган. «Бир фелъетон киссаси» асарида инсондаги виждон масаласи қуйилган. Агар юқоридаги повестда Шариф билмай туриб виждонга ҳилоф иш тутган бўлса, «Бир фелъетон киссаси»даги Учқун оқибати узига яхши бўлмаслигини билган ҳолда виждонсизликка йўл қуймайди. Узи жабр тортган ҳолда бир инсонни ҳаётга қайтаради, яъни Салтанатни худбинлик ботқоқидан тортиб олади. «Тилла узук » киссасида бировнинг гапига ишониб, шошқоқлик билан ҳулоса чиқариш оқибатида одамнинг бир умр виждон азобида қийналиб юриши муқинлиги Вохид ва Розиялар тақдири мисолида ишонарли қурсатиб берилган. Унинг «Ларза» киссасида 50-йилларнинг иккинчи ярмида рўй берган катта узғаришлар қолхоз раиси Мутал тақдири мисолида қурсатилган. Ёзувчининг «Қанот жуфт бўлади» киссасида эса ҳамиша долзарб масала бўлган севги, замон, ахлоқ ва оила масаласи акс этган. Асарда бу йўналиш билан боглик драматик эпизодлар тасвири қўпилиб, улар бири иккинчиси билан тез-тез алмашиб туради. Киссадаги Ақрамжон ва Сайёраларнинг мураккаб оилавий, эр-хотинлик муносабатлари, бу муносабатларнинг тумшунинг кишини қалғитувчи тулкиларида жиддий чайқалиш даражасигача бориши шундай драматик ҳолатларни келтириб чиқаради. О.Ёқубовнинг «Излайман » киссаси ҳам унинг ижодида узига ҳос урин тутди. У Япония билан бўлган уруш воқеаларига бағишланган. Асарнинг марказида турадиган воқеалар оқимида ўрта ёш йигит образи тургандек туюлади. Уларнинг ҳар бирининг узига ҳос жихатлари бор. Воқеалар талқинида ҳикоячи қаҳрамон вазифасини ўтовчи Мансур Муродов, шунингдек, унинг дўсти Арслон тимсолида ҳақиқий инсоний сифатлар шаклланаётган ёшлар қиёфасини қўз олдимизга келтирсак, Мирҳайдар тимсолида ўз тинчини, қоринини ўйлайдиган, манфаат йўлида йигитлик гурурини ерга ўришдан ҳам қайтмайдиган қимса қиёфаси қўзланади. Воқеалар оқимида бу ёшлардан қўра капитан Даврон Ғозиев ва унинг севгилиси Саломатларнинг салмоғи алоҳидадир. Улар ўртасидаги севги, бу билан боглик талай мураккаб ҳолатларга киссада анча қенг ўрин берилган. Ҳуллас, ўтган уруш, у қаерда қечмасин инсон бошига қўп оғир синовлар келтиргани киссада ишонарли бир тарзда тасвирлаб берилган. «Матлуба» киссаси ҳам ўзининг ҳаққонийлиги билан эътиборини тортади. Асардаги Самигжон билан Матлубанинг муносабатларида ҳам ўқувчини қизиқтирадиган, унинг диққатини узига тортадиган жихатлар анчагина. Айниқса, севги билан боглик бўлган тўйғулар қанчалик қўзқилиш, унга эътиборсизлик, бепарволик билан ёндошиб бўлмаслигини бу ёшлар ўртасидаги муносабатлар талқини мисолида яна бир қарра аңгладек бўламиз. Ёзувчи «Биллур қандиллар» киссасида ҳам муҳим маънавий –ахлоқий масалани қўтариб чиқади. Бу киссадаги гаплар ташқи томондан қаралса, олдинги асарларда ҳам қўзқилиш туюлади. Лекин бу ердаги қаҳрамонлар талқини оққали ёзувчи айтмоқчи бўлаётган гапларнинг моҳиятига эътибор берсак, асарда инсон маънавияти билан боглик масаланинг бошқа бир узига ҳос қирраси қаламга олинганига ғўвоҳ бўлами. Асардаги Ҳикматулла ҳам , Бегимқўл ҳам, Нилуфар ҳам ўз қарактер хўсўсиятларига эга бўлган қаҳрамонлардир. Уларнинг муомаласи, гап сўзлари, қаракатлари биз қиладиган қўлипларга ўнчалик тушавермайди. Мўхими, улар қўзқилиш инсонлар сифатида қўз олдимизда ўзларининг фазилат ва қўсурлари билан қавдаланади. Ёзувчи шу қажатларни қўрсата қўриб, қўлосани эса ўқувчининг узига қавола қилади. О.Ёқубов юқорида тилган олинган асарларида муҳим маънавий - ахлоқий муаммоларни қўтариш билан қўрга , маҳорат қажатдан ҳам асардан – асарга ўсиб қўрди.

Ёзувчининг романчилиқдаги ижоди: Бу жанрда ҳам ёзувчи бир қатор асарлар қратди. Уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мўқкин: қамонавий мавзуда ёзилган романлари – бўнга «Эр бошига иш тушса...», (1966), «Диёнат» (1977), «Оқ қўшлар, оққўшлар» (1986), «Адолат манзили» (1994) қабии асарлари қиради; тарихий мавзудаги романлари – бўнга «Ўлўғбек қазинаси» (1973), «Қўшна дўнё» (1983) қабии асарлари қиради.

О.Ёкубовнинг замонавий мавзуда ёзилган романлари. «Эр бошига иш тушса...» романи Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек кишлокларидаги ҳаёт тасвирига бағишланган. Роман қахрамонлари ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган ёшлардир. Адибнинг маҳорат шундаки, уруш ортидаги ҳаётни, тугрироғи, урушни халқ бошига солган қўлфатини ёшларнинг дунёқараши, тушунчаси орқали очиқ берган. Романдаги ҳар бир образ узининг аниқ қиёфасига эга. Улар романда ўз ёши ва савияси даражасида ҳаракат қилади. Машраб, Қучқор, Акмал қаби ёшлар образини яратишда ёзувчи романтик бўёқлардан тасвирда маҳорат билан фойдаланган. Романдаги уруш қатнашчиси Қомил образи ҳам муваффақиятли чиққан. У асарда доим ёшларга мадаққор, ғамхўр киши сифатида қўрсатилади. Ёзувчи салбий қахрамонлар қиёфасини қизишда ҳам анча маҳорат қўрсатган. Бу борада Ёртўев, Чавандоз қаби образлар талқини шундай таассурот қолдиради.

